



ЮРТИМИЗ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!

Аллоҳ таолога беадад ҳамду сано, Пайғамбаримизга (алайҳиссалом) дурудун салавот, саломларимиз бўлсин.

2010 йил – Баркамол авлод йилида амалга оширилган кенг кўламли тадбирлар фарзандларимиз замон талаби даражасида билим олиши, ҳунар ўрганиши, камол топишида муҳим қадам бўлди.

Албатта, бугун тараққиёт йўлидан изчил бо-ришимизда, эзгу мақсадларни амалга оширишда замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган имон-этиқодли ёшлар асосий кучдир.

Бошланган 2011 йилимиз муҳтарам Юртбошимиз ташаббуслари билан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб номланиши айни кўнглимиздаги иш бўлди. Яратганнинг розилигини топиш учун инсон меҳнат қилиши, ҳалол касб-ҳунар билан шуғулланиши керак. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

“Бас, қачонки, намоз адо қилинган, ерда тарқалиб, Аллоҳнинг фазли (ризқи)дан истайверингиз! Аллоҳни кўп ёд этингиз! Шояд (шунда) нажот топсангиз” (Жумъа, 10).

Қадим-қадимдан ота-боболаримиз карвон билан ҳафталаб, ойлаб йўл босиб узоқ юртларга боришган ва одамлар эҳтиёжи учун зарур нарсаларни келтиришган. Ҳунармандлар ёғоч, темир, тери кабилардан буюмлар ясаб, сотиб, рўзғор тебратишган. Ҳар бир оиланинг авлоддан-авлодга қолувчи касб-ҳунари бўлган. Бу анъана боис инсон ёшлигидан бошлаб меҳнат орқали пешона тери билан нон топиб, ҳалол кун кечиришга одатланган. Яна аждодларимиз бир мезонга қатъий риоя этишган, у ҳам бўлса, топган-тутганларини савоб ишларга сарфлаш.

Аммо собиқ мустабид тузум даврида мулкдорлар, ҳунармандлар бошига кўп балолар ёғилди. Ер эгалари, бойлар, ҳунармандларнинг бор нарсаси талон-торож қилинди. Барча мулк умумий саналди – ҳамманики ва ҳеч кимники. Озгина ери, бойлиги бор одамлар узоқ юртларга бадарға қилинди.

Аллоҳга шукр, истиқлол қуёши чиққач, у кунлар таҳликаси тумандек тарқади. Бугун юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш энг муҳим вазифалардан биридир.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ кичик бизнес ва тадбиркор-



ликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилгани амалда самарасини кўрсатмоқда. Ўзбекистон қарийб йигирма йиллик истиқлол даврида эришган натижалар бугун халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Тараққиётнинг “ўзбек модели” нақадар тўғри ва пухта эканлиги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида яна бир карра исботини топди. Дунёнинг кўп мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари пасайган бир вақтда, юртимизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш йилдан-йилга ортаётгани кўпгина халқаро эксперт ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Мана шундай натижаларга эришишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакилларининг ҳиссаси катта. Униб-ўсиб келаётган, куч-қувватга тўлган ёшларни ҳартомонлама кўллаб-қувватлаш, жамиятда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш, айниқса, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш учун барча шарт-шароитни яратиб бериш борасида ҳам ибратли ишлар қилинмоқда.

Тадбиркорлик ривожига доир мисолларни ҳар бир туман ёки қишлоқ ҳаётдан келтириш мумкин. Фамхўрликлардан руҳланган тадбиркорларимиз эл-юрт равнақи йўлида янада кўпроқ жон куйдиришади деб умид қиламиз. Зеро, тадбиркорлар – юрт таянчи. Бир тадбирли инсон сабаб қанча-қанча одам иш билан таъминланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили барчамиз учун баракали бўлсин.

Усмонхон АЛИМОВ,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий



ҲАСАД БИЛАН ЭМАС, ҲАВАС БИЛАН ЯШАЙЛИК

Динимиз инсонларни яхши ишларга буюриш билан бирга, қалбида бошқаларга нисбатан гина, адоват, ҳасад каби иллатлар бўлишини қоралайди. Аллоҳ ўз фазлидан бир бандасига кўпроқ насиба берган бўлса, унга нисбатан бошқаларнинг ҳасад қилиши энг оғир гуноҳлардандир. Ҳасад ҳамма ёмонликларнинг бошидир. У кишилар орасига душманлик уруғини сочади. Инсон ҳар доим шукр қилиб яшаши керак.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

"Ёки Аллоҳ Ўз фазлидан берган неъматлари учун одамларга ҳасад қиладиларми? Ахир, Биз (илгари ҳам) Иброҳим наслига (Юсуф, Довуд, Сулаймон каби зотларга) Китоб, Ҳикмат бериб, яна уларга улкан мулк (хукмронлик) ҳам ато этган эдик-ку!" (Нисо, 54)

Бошқалар мулкига ҳасад унинг йўқ бўлишини орзу қилишдир. Бу эса ўша мусулмоннинг ҳақиқа зулм ҳисобланади. Ҳасаддан сақланиш учун Аллоҳ таоло ўзига сиғиниб, ундан паноҳ сўрашни таълим берди:

"Ҳамда ҳасадчининг ҳасади ёвузлигидан (паноҳ тилаб илтижо қилурман)" (Фалақ, 5).

Абу Хурайра (розийаллоху анху) ривоят қилади: Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтди: "Ҳасаддан сақланинг! Чунки олов ўтинни ёндириб тугатгани каби ҳасад яхшиликларни тугатади" (Имом Абу Довуд).

Яна бир ҳадисда бундай марҳамат қилинади: "Олдинги умматлардан сизларга етиб келган касаллик ҳасад ва ғиллу ғашликдир. Ҳасад сочининг эмас, дину диёнатнинг душманидир. Муҳаммаднинг жони измида бўлган Зотга қасам, то мўмин бўлмагунингизча жаннатга киролмайсиз. Бир-бирингизга ўзаро муҳаббатли бўлмагунингизча (комил) мўмин бўлолмайсиз! (Имом Термизий).

Аллоҳ таоло илм неъматини берган инсонларга ҳавас қилиб, "Эй Раббим, менга ҳам мана шу инсонга берган илм неъматингни ато этсанг, уни билмаганларга ўргатар эдим", ёки "менга ҳам фалончига берганинг мол-мулкдан ато этсанг, фақат яхшилик йўлига сарфлардим", каби яхши ниятлар қилиш эса, динимиз буюрган амаллардандир. Аллоҳ таоло бундай тилакларни ижобат қилади. Комиллик энг олдин қалбни тузатиш, уни иллатлардан тозалашдан бошланади.

Аллоҳ таоло қалбларимизни ҳасад иллатдан паноҳида сақлаб, гуноҳларимизни мағфират қилсин.

«HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллох МУҲАММАД РАУФХОН

Тахрир хайъати

Усмонхон АЛИМОВ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Ортиқбек ЮСУПОВ
Анвар ТУРСУН
Аҳад ҲАСАНОВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Абдулҳамид ТУРСУН
Ҳайдархон ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ
Баҳодир КАРИМОВ
Эркин МАЛИК
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Исомиддин ОЛИМОВ
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Аҳмад МУҲАММАД

Мукова

«Voris Design» маркази билан
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадий муҳаррир
Хайруллох ҚУДРАТУЛЛОХ ўғли

Саҳифаловчи
Баҳром ИКРОМОВ

Матнни
Раҳима КАРИМЖОН қизи
терди.

Манзилимиз:

100069 Тошкент шаҳри
Заркайнар 18-берк кўча 47а-уй;
Тел: 240-45-62, 240-05-19, 227-34-30.
Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uz
Интернет почтаимиз: hidoyat_jurnali@mail.ru
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигида рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2011 йил 27 январда рухсат берилди.
Босмаҳонага 2011 йил 30 январда топширилди.
Қоғоз бичими 60x84^{1/8}. Адади 44500 нусха.
1435-сон буюртма. «Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компаниясида босилди.

Қўл ёзмалар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаси назаридан фарқ
қилиши мумкин. Келтирилган иқтибос
ва рақамлар учун муаллиф масъул.

Хат юборилганда исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин.

Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса, «Хидоят»-
дан олингани кўрсатилиши шарт.

МУНДАРИЖА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили	
Усмонхон АЛИМОВ	
Юргимиз равнақи йўлида	1
Таянч нуқта	
Ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшайлик	2
Халқаро ҳафталик	
Фозилжон УБАЙДУЛЛАЕВ	
Аҳиллик бор жойда барака бўлади	5
Долзарб мавзу	
Минҳожиддин МИРЗО	
Маънавият — инсон зийнати	6
Мерос	
Муҳаммад Ҳайдар МИРЗО	
Мир Алишер зикрида	8
Аёллар саҳифаси	
Зумрад ФОЗИЛЖОН қизи	
Қандай китоб ўқиясиз, онажон?	12
Ризоуддин ибн ФАХРИДДИН	
Тарбияли хотин	13
Муҳтарам УЛУФОВА	
Онанинг эзгу тилаги	13
Насихат	
Абдулқодир ЖИЙЛОНИЙ	
Нафсни назоратсиз қолдирманг	14
Масала	
Бир савол сўрасам	15
Олисларга саёҳат	
Аҳмад ТУРСУН	
Эрон Ислом Республикаси	16
Тиббиёт бурчаги	
Ибн Қаййум ЖАВЗИЙ	
Саломатлик — туман бойлик	19
Маълумотхона	
ISESCO (АЙСЕКСО) ташкилоти	23
Шеърят	
Анвар ОБИДЖОН	
Ҳақ сўз айтсам, бўлгил мен томон	24
Мунаввар олам	
«Тошкент масжидлари тарихи»	
«Азизлархон эшон» масжиди	26
Идора ҳаёти	
Машғулотлар якунланди	27
Мовароуннаҳр уламолари	
Нигора Жалолиддин қизи ЮСУПОВА	
Самарқандлик буюк олима	28
Мактубларда манзаралар	
Неъматилло МАДАМИНОВ	
Ота ибрати	29
Минтақа	
Руслан ЗЕРОНИН	
Бурятияда Ислом	29
Янги қонун	
Икром МАРДОНОВ	
Ўтганларга ҳурмат	30
Насихат	
Мубашшир АҲМАД	
Ҳар инсон хатокор.....	30
Яхшиликка чақирши	
Момоларимиз айтади	31
Лола НИЁЗОВА	
Яхши дўст	31
Санъат	
Қаламдан тўкилган гўзаллик	32

Тафсири

КЕЧИРИМЛИ БЎЛИШ —
ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТ

4

Абу Ҳурайра (розийаллоху анху) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): «Сизлар инсонларни молларингиз билан ўзингизга жалб қилишни хоҳлайсизлар, ваҳоланки, инсонларни сизларнинг очиқ юзингиз ва чиройли хулқингиз жалб қилади», деганлар.

Саҳобалар ҳаёти

Абдурахмон РАЪФАТ ПОШО

АБУ УБАЙДА
ИБН ЖАРРОҲ

Абу Убайда Абу Бакр Сиддик чорлови билан Пайғамбар (алайҳиссалом) ҳузурларига бориб, шаҳодат калимасини айтган эди. Кейинчалик мушрикларга қарши маъракаларда алоҳида шижоат ва мардлик кўрсатди. У Аллоҳга имон-эътиқоди кучли, инсонлар орасида ишончга сазовор, омонатга вафодор инсон эди.

10

Хабарлар

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Динлараро бағрикенглик

Ислом Конференцияси Ташкилоти Фарб билан мусулмон олами ўртасида маданий ва диний алоқаларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлайди. "ИКТ сабр-тоқат, тинчлик, дўст-биродарликка асосланган Исломнинг ҳақиқий ва амалий тимсолидир. Ташкилот бошқа дин ва тамаддунлар билан алоқа ўрнатишни рағбатлантиради", деди ИКТ раиси Абдул Рауф ибн Ражаб.

20

Истиқлол фидойилари

НОСИРХОН ТЎРА

У ҳижрий 1287 сана, милодий 1871 йили Косон (ҳозирги Наманган вилоятининг Косонсой) шаҳрида туғилган. Намангандаги мадрасалардан бирида мударрислик қилган. Отаси олдин фарзандини ўзи ўқитди, кейин мадрасага берди. Носирхон тўра билимини чуқурлаштириш ниятида турли ўлкаларга сафар қилди. Бухоро, Қобул, Дехли, Бағдод, Ҳижозда таҳсил олди.

22



خُذِ الْعَفْوَ وَأْمُرْ بِالْعُرْفِ وَأَعْرِضْ عَنِ الْجَاهِلِينَ وَإِمَّا
يَنْزَعَنَّكَ مِنَ الشَّيْطَانِ نَزْعٌ فَاسْتَعِذْ بِاللَّهِ إِنَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ

«Афвни (қабул қилиб) олинг, яхшиликка буюринг, жоҳиллардан эса юз ўгиринг! Агар сизни шайтоннинг шарри тутса, Аллоҳдан паноҳ тиланг! Албатта, У эшитувчи ва билувчидир» (Аъроф, 199–200).

КЕЧИРИМЛИ БЎЛИШ — ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТ

Муфассирлар айтишича, “Афвни (қабул қилиб) олинг” мазмунли муборак бирикма икки маънога далолат қилиши мумкин. Биринчиси: “Молдан олишга; бу ҳолда муборак бирикма маъноси “уларнинг ўзлари ва ҳожатларидан ортган молларидан ўзлари сизга берганларинигина олинг, сўраб қатъий туриб олманг” бўлади. Зеро, “афв” молнинг ортгани маъносида ҳам ишлатилади. Муҳаммад сураси 36–37 оятида: “...ва сизлардан молларингизни (беришни) сўрамас. Агар (Аллоҳ) сизлардан (молларингизни) сўраб, сизларни қийнайдиган бўлса, сизлар бахиллик қилурсиз...” дейилган.

Баъзи муфассирлар закот фарзлиги ҳақида оят нозил бўлгач, юқоридаги оят “мансух” яъни, ҳукми бекор бўлган, дейишган.

Иккинчиси: афвга, кечиришга далолат қилади. Бу ҳолда муборак бирикма маъноси “золимлар зулмини кечиринг” бўлади.

Бу мазмунли ояти қарима билан Аллоҳ таоло Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёмонлар зулмини афв этишни ва уларнинг зулмига зулм билан жавоб бермасликни, нодон ва жоҳиллардан юз ўгиришни, уларга ҳалимлик билан муомала қилишни ҳамда мўминлар билан хушмуомала бўлишни



буюрган. Шу сабабдан Тавба сураси, 128-оятда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сифатлари ҳақида: “...мўминларга мушфиқ ва раҳмдил...” дейилгандир.

Абдуллоҳ ибн Зубайр ва Қатода (розийаллоҳу анҳум) ушбу “Афвни (қабул қилиб) олинг” мазмунли оятни гўзал хулқ ҳақида нозил бўлган, дейишган.

Ойшадан (розийаллоҳу анҳо) ривоят қилинади: “Расулulloҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳқирлаб, у зотга азият етказадиган бир киши бор эди. Бир куни у киши Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига кирди, у зот ўша одамга яхши муносабатда бўлдилар, ёнларига чақириб, унга марҳамат кўрсатдилар. Шунда Ойша (розийаллоҳу анҳо): “Ё Расулulloҳ Сизни ҳақоратлаб юрадиган шу киши эмасмиди?!” деб сўрадилар. Шунда у зот бундай дедилар: “Ҳа, шу эди. Эй Ойша, инсонларнинг энг ёмони – ёмонликлари ва тилларидан сақланиш учун хурмат қилинадиган кишилардир” (Бухорий/6032).

Абу Бакр Розий Жассос тафсирида: Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизлар инсонларни молларингиз билан ўзингизга жалб қилишни хоҳлайсизлар, ваҳоланки, инсонларни сизларнинг очиқ юзингиз ва чиройли хулқингиз жалб қилади”, деганлар.

Ибн Касир тафсирида бундай дейилади: “Афвни (қабул қилиб) олинг, яхшиликка буюринг, жоҳиллардан эса юз ўгиринг!” ояти нозил бўлганида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй Раббим! ғазаб (келса) нима бўлади?!” дедилар. Шунда Аллоҳ таоло “Агар сизни шайтоннинг шарри тутса, Аллоҳдан паноҳ тиланг!...” оятини нозил қилди.

Баъзи муфассирлар: “Агар сизни шайтоннинг шарри тутса...” мазмунли оятни, агар сиз-



ни шайтон васваса қилса, деб тафсир қилганлар. Сизни шайтон васваса қилса, “Аллоҳдан паноҳ тиланг!”

Аллоҳ таоло инсонлар душмани шайтонни кўринмайдиган қилиб яратишининг икки хил ҳикмати бор:

– инсонлар уларнинг зараридан ғафлатда қолмасдан, доимо сергак ва хушёр бўлишлари учун;

– Аллоҳ таолодан ўзга инсонларни шайтоннинг васваса ҳамда ёмонлигидан асрай олмаслиги боис, улар доимо тазарру ва илтижо қилиб Аллоҳ таолодан паноҳ сўрашлари учун.

Шайтон васвасасидан ўзини асрашни сўраб, Аллоҳ таолога илтижо қилиш амри муътазила оқими ақидаси хатолигини кўрсатувчи далилдир. Чунки улар, “Аллоҳ таоло бандаларига шайтоннинг васвасасидан ва ёмонлигидан ҳимояланиши учун барча нарсаларни бериб қўйган. Унинг ҳузурда уларга паноҳ бўладиган нарса қолмаган. Аллоҳдан паноҳ сўраш неъматни яшириш бўлади ёки Унда бўлмаган нарсани сўрагани учун Унинг устидан кулиш бўлади”, дейишади. Бу каби бузук тушунчадан Аллоҳ таоло ҳаммамизни асрасин.

Демак, кечиримли бўлиш ва кишиларнинг узрини қабул қилиш Қуръони каримда зикр қилинган фазилатлардан экан. Агар узрни қабул қилишга ғазаб ёки ғурур йўл қўймас, бу шайтоннинг васвасаси бўлиб, бундай вақтда Аллоҳ таолодан паноҳ тилаш керак.

*Абу Мансур Мотуридий, Ибн Касир,
Аҳмад ибн Алий Розий Жассос
тафсиллари асосида Тошкент Исломи
университети магистранти
Бадриддин РАҲИМОВ
тайёрлади.*

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2011 йилнинг 1–7 феврал кунларини бутун жаҳонда «Динлараро муносабатлар уйғунлиги халқаро ҳафталиги» деб эълон қилди.

АҲИЛЛИК БОР ЖОЙДА БАРАКА БЎЛАДИ

Исломи – тинчлик дини. Унинг асосий таълимоти инсонларни бир-бирига меҳр-муруватли бўлишга, дини, миллати, irqидан қатъи назар, ўзаро иззат-ҳурмат кўрсатишга чорлашдир.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

“Эй, имон келтирганлар! Ёппасига итоатга киришингиз ва шайтоннинг изидан эргашмангиз!..” (Бақара, 208).

“Дин хусусида сизлар билан урушиб-жанжаллашмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқармаганларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар” (Мумтаҳана, 8).

Кунлардан бир кун бошқа дин вакилининг тобутини кўтариб ўтишаётганида, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўрнларидан туриб, ҳурмат кўрсатдилар. Бундан ажабланган саҳобалар: “Ё Расулulloҳ, ахир у мўмин эмас-ку?” дейишди. Шунда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “У ҳам инсон”, деб жавоб бердилар.

Имом Бухорийдан ривоят қилинишича, бир куни Абдуллоҳ ибн Умарнинг (розийаллоҳу анҳу) хотини уйларидаги кўй гўштини кўни-кўшнларга улашади. Шу вақт Абдуллоҳ ибн Умар (розийаллоҳу анҳу) келиб: “Яхудий кўшнимизга ҳам гўшдан бердингизми?” деб қайта-қайта сўрайдилар. Кейин:

“Мен Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўшнлар ҳақини адо этиш зарурлигини эшитганман”, дейдилар.

Маҳалла – жамиятимиз таянчи, унда турли дин ва миллат вакиллари яшайди. Динимизда кўшничлик ҳақларига алоҳида эътибор берилиши бежиз эмас, албатта. Кўни-кўшнлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва самимият бўлса, ҳаётимиз тинч ва осойишта бўлади.

Жамият тараққиётида миллатлараро бағрикенглик ва тотувлик муҳим аҳамият касб этади. Юртимизда бир юз ўттизга яқин миллат, Исломи динидан ташқари ўн бешта диний конфессия вакиллари аҳил-иноқ яшайди. Уларнинг бари республикамиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётгани қувонарли ҳол. Мамлакатимизда турли халқларнинг кўплаб миллий-маданий марказлари ишлаб турибди.

Асосий Қонунимизда ҳам фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тўла кафолатланган. Шундай экан, ҳар бир инсон аҳиллигимизни бузишга уринувчи оқимлар ҳийлаларидан огоҳ бўлиб, фаровонлик ва хотиржам ҳаётнинг қадрига етиши керак.

Фозилжон УБАЙДУЛЛАЕВ,

Учтепа тумани “Саид Ваққос ота” жоме масжиди имом-хатиби



МАЪНАВИЯТ – ИНСОН ЗИЙНАТИ

*Ақл ила олам юзини обод қил,
Хулқ ила олам элини шод қил.*

Алишер Навоий

Ташқи олам инсон ақл-заковати билан обод бўлса, инсон ички олами унинг хулқи, яхши муомаласи, бир сўз билан айтсак, маънавияти билан обод бўлади. Ташқи олам чиройи айни шу ички оламдаги ёруғликдан бошланади. Тарихда рўй берган урушлар, низолар, қанчадан-қанча қирғинлар моҳиятида нафс, марказида инсон туради.

Ҳамма гап инсоннинг ақл-идроки, хулқи нимага ва қандай мақсадга қаратилгани, хизмат қилаётганига боғлиқ. Устоз Эркин Воҳидов ёзганидек:

*Маънали фикрат сенинг,
Ҳам чангали ваҳшат сенинг,
Ғайрату ғафлат сенинг,
Жавлон ўзинг, урён ўзинг.*

*Миндинг илм нарвонига,
Чиқдинг фунун осмонига,
Бу жаҳон айвонига
Аркон ўзинг, вайрон ўзинг.*

*Бағрида ётқучи – сен
Неъматларин тотқувчи – сен,
Тиг бўлиб ботқувчи – сен
Пайкон ўзинг, қалқон ўзинг...*

Шу ўринда Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк аждодларимизнинг комил инсон тарбияси билан боғлиқ таълимотлари бежиз яратилмаганини таъкидлаш керак. Чунки авлодларнинг бахт-саодат топиши, жоҳилликка ғарқ бўлмай, ҳамиша маърифат байроғини баланд кўтариб яшашлари учун бундан улуғроқ бойлик, бундан улуғроқ мерос йўқ. Ана шу маънавий мероснинг қоқ марказида кечаси ой, кундузи қуёш бўлиб ҳеч шубҳасиз одоб туради.

Бир куни устоз алломалардан бири гўзал одоб билан сўзлаётган бир болани кўриб қолибди:

– Кимнинг ўғлисан? – деб сўрабди.

– Одобнинг ўғлиман, – деб жавоб берибди бола. Унинг жавобидан таъсирланган аллома болани олқишлаб, меҳр билан унинг бошини силабди ва:

– Ўғлим, қандай чиройли отанг бор экан-а! – дебди.

Бу каби ҳикоялар болаларимизни асрлар давомида гўзал одобга ундаб келган. Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида маънавиятга берилган таърифни эслайлик: «Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир».

Ҳа, бахтнинг, бахтиёрликнинг чинакам калити маънавиятдадир. Маънавият, комил инсон, юксак ахлоқий қадриятлар ҳақида ўйласак, беихтиёр аждодларимизнинг бу борадаги фикрлари ҳаёлга келади. Мана, кўҳна китобларда битилган, аммо инсониятга ҳамон яхшилик соғиниб, уларни эзгулик йўлига чорловчи ўғитлар:

«– Эй фарзанд, ақл-фаросатли, касб-хунарли бўл. Англаган, кўрган, эшитган нарсаларингни хотиранда тўла-тўқис сақлаб қолишга, фикрингни равшан тушунтира олишга интил;

– ўқиш, ўрганиш жараёнида сира чарчадим дема, турли ахлоқсизликлардан ўзингни тия бил, ҳақиқатни, одил ва чин сўзли одамларни эъзозла, ёлғон ишлатма, ёлғончилардан йироқ бўл;

– ўз қадрингни бил, номус-ориятли, пасткашликлардан юқори турувчи, адолатпарвар, олийҳиммат, улуғ ишларга интилувчан бўл;

– бойликка ҳирс кўйма, эл-юртингни сев, муҳтожларга, жабр кўрганларга ёрдам бер;

– ўзинг суйган неъматларни бошқаларга ҳам раво кўр;

– яхшилик, яхшилик ва яна яхшилик мудом шиоринг бўлсин...»

Бу сўзлар улуғ аждодларимиз бизга йўллаган эзгу дуолар эмасми? Бизни Ватанни севишга, олижанобликка, яхшиликни шиор қилишга ва инсоний йўлдан адашмасликка чорлаб турувчи маёқ эмасми? Бу ўғитлар бизнинг бугунги ниятларимизга жуда ҳамоҳанг. Мана шу хислатлар ҳар бир юртдошимиз қалбида қарор топса, вояга етаётган фарзандларимизни ана шундай эзгу қад-



риятлар руҳида тарбияласак, жамият қандай гўзал бўлишини бир кўз олдингизга келтиринг.

Аммо бу насиҳатлар, чақириқлар қачон амалга ошади? Улар ёшларимиз қалбига, онгига жо этилса. Шу боис мамлакатимизда баркамол авлод тарбияси энг улуг мақсад деб белгиланди.

Турли маданиятлар бир-бирига таъсир қилиб, бир-бирини бойитиб, халқлар нафақат миллий, балки умуминсоний кадриятлар асосида ривожланиб, камол топиб боради. Инсон минг чанқаб турган бўлмасин, лойқа сувни тиндириб ичиши керак. Баъзан хориж маданияти, ҳаёт тарзи таъсирида айрим фарзандлар одоб, ибодат каби ахлоқий фазилатлардан йироқлашиб қолишяпти.

Мутахассислар айрим ғарб мамлакатлар ёшлари орасида урчиган ахлоқсизлик, фахш, зўравонлик иллатларининг келиб чиқиш сабабларини ўрганишган. Харвард университети тиббиёт факултетиди олиб борилган тадқиқотларга кўра, бола ўн саккиз ёшга етгунича телетасвирда бир юз саксон минг марта зўравонликни томоша қиларкан. Бундан саксон мингтаси қотилликларга доир кўрсатувлардир.

Нима эксанг, шуни ўрасан, дейди доно халқимиз. Хўш, ёш боланинг мурғак қалбига зўравонлик уруғи экилса, эртага унинг онгида муаммоларни зўравонлик билан ечиш деган хулоса шаклланмаслигига ким кафолат беради?

Айрим хориж кинолари вафо, ибодат, меҳроқибат, никоҳ, оила каби тушунчалардан йироқ, Уларда «қахрамонлар» серзарда, андишасиз, юзингда кўзинг борми демайди, бола ота-онасини юз-хотир қилмайди, дилидагини шартта-шартта айтаверади... Бундай кинолар болалар қалбига қандай таъсир қиларкан, деб ўйлаб қоласан киши.

Хитой ҳукумати 2008 йил бошида шарм-ҳаёсиз филмларни суратга олишни расман тақиқлади. «Xinhua» агентлиги хабар беришича, бундан буён радио, телевидение ва кинода ҳирсни кўзгатувчи тасвирлардан фойдаланиш ҳам мумкин эмас. Шундай филм ишлаган режиссёр ёки актёр кино соҳасидаги барча тақдирланишлардан маҳрум этилади. Бундан ташқари, улардан кино олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат ҳам олиб қўйилади». Ҳа, дунёда бундай чоралар кўриляётгани бежиз эмас.

Бир кетган уятнинг қайтиб келиши қийин, дейди халқимиз. Бугун айрим хорижий газета ва журналлар, кассета ва дисклар, интернет тизими орқали инсоф, диёнат, уят, ор-номус, ифбат, бурч, савоб, садоқат, вафо, ҳаё каби кадриятларимизга таҳдид солаётган таъсирлар камми? Машиий бузуқлик ва зўравонлик, оилавий кадриятларни оёқости қиладиган ҳаёсиз саҳналар...

Шунинг учун донишманд боболаримиз Инсон боласи яхшилик, яхши фазилатлар, хислат-

ларни кўриб улғайса, кўнгил майли ила бу амаллар унинг қалбига ҳам кўчиб ўтади. Аксинча, ёмон феъл ва жоҳилликларни кўриб улғайса, унинг нафси оз бўлса-да, ёмон амаллардан «ўғирлаб» олади, деб айтишган.

Аждодларимиз фарзанд тарбиясига, бир томондан, ширин лутф билан, иккинчи томондан, ибрат ва намуна билан, учинчи томондан, танбеҳ ва насиҳат билан ёндашишга, халқимизга хос, ҳеч қаерда ёзилмаган одоб, ҳаё қоидаларини жорий этишга, таъминлашга ҳаракат қилишган, ўзларини шунга бурчли деб билишган.

Шуларни ёзарканман, беихтиёр кўча супуриб, кўшни томонга тўплаб кўядиган келинлар ёки чиқиндини жойига олиб боришга эриниб, эрталаб ишга чиқаётганида шундай кўшнининг эшиги олдида ташлаб кетадиган кимсалар ҳақида ўйлаб қоламман.

Болалик пайтларимизда бобомиз ёки бувимиз бирор ножўя иш қилсак, «Ҳа адабсиз!» дея танбеҳ берарди. Шу биргина сўз бу ёмон хатти-ҳаракатни иккинчи бор такрорламаслигимиз учун етарли эди.

Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асаридаги Қумуш, Отабекни ёки «Меҳробдан чаён»даги Анвар ва Раъноларни нима учун яхши кўрамиз? Фақатгина ўзига хос муҳаббат қиссаси учунми? Йўқ, Уларнинг сиймоси, қалбида ҳақиқий шарқона одоб-ахлоқ, инсоний фазилатларнинг юксак намунаси борлиги учун ҳам яхши кўрамиз. Бундай китоблар моҳиятида биз учун қанча-қанча гўзал маънавий хитоблар бор.

Ўтмишда аждодларимизга комил инсонни тарбиялаш бир орзу эди. Бугун эса бу гоё ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида муносиб ўрин топишига ҳаракат қиляпмиз. Чинакам бахт-саодатга, юксак шарафга эришиш учун албатта кўнгилларимиз пок, маънавиятимиз гўзал бўлиши шарт. Шуни нунтмайлик, азизлар.

Минҳожиддин МИРЗО,
республика Маънавият тарғиботи маркази раҳбари



Муҳаммад ХАЙДАР МИРЗО

МИР АЛИШЕР ЗИКРИДА

Тахаллуси «Навоий»дир. Унгача ҳам, ундан кейин ҳам туркий тилда ҳеч ким унчалик кўп шеър битган эмас. У шеър илмининг устаси, унинг туркий шеърлари шухрати Мулло Жомийнинг форсий ғазаллари, шеърлари шухрати билан тенг. У форс тилида ҳам кўп шеърлар ёзган. Форсча шеърларини «Фоний» тахаллуси билан битган. У Хожа Ҳофиз Шерозий девонига назира тарзида девон тузган. Хожа Хисрав Деҳлавийдан кейин «Яхшилар дарёси» («Дарёи аброр») қасидасига ҳеч ким Мир Алишер Навоийчалик жавоб ёзолмаган.

Ҳазрат Маҳдум – инсониятнинг ифтихори Мавлоно Абдурахмон Жомий ҳаж сафаридан қайтганларида Алишер Навоий уларга бундай рубоий ёзиб жўнатган:

*Инсоф билан айтгин, ложувард фалак,
Қай бири хушхиром мисли капалак:
Қуёшингми ҳар тонг сафарга чиқар,
Шомдан қайтаётган моҳимми малак?*

Унинг учта туркий-ўзбекча,¹ битта форсча девони бор, у «Тазкиратул авлиё»ни² туркийча битган, «Хамса»ни туркийча назм қилган. Булардан ташқари, унинг жуда кўп асарлари бор, битта девондан ташқари барчаси туркий тилда ёзилган.

Унинг келиб чиқиши бахшиларга бориб тақалади. Отасини «Кичкина бахши»³ дейишган, у са-

ройда амалдор бўлган. Мир Алишер болаликдан Султон Ҳусайн мирзо билан дўстлашган. Султон Ҳусайн мирзо подшоҳ бўлгач, Алишер Навоий унинг хизматига келган, мирзо уни беҳад қадрлаб, ғамхўрликлар кўрсатган, Мир Алишер эса халққа худди шундай ғамхўрлик қилган.

Шундай қилиб, ўша замонда халқнинг турли тоифалари ичидан фозил, беназир инсонлар чиққани унинг саъй-ҳаракатлари туйфайлидир. У Мир сифатида шундай жидду жаҳд кўрсатдики, натижада катта бойлик тўпланди, деҳқончиликдан ва бошқа тарафлардан тушган кунлик даромад ўн саккиз минг шоҳруҳийни ташкил этган. Ўз амирлик мансабининг барча жиҳатларини – хизматкорларни, мулозимларни, хазинани, отхонани, подшоҳлик иморатларини у Султон Ҳусайн мирзонинг ноиби Бобо Алига топширган. У ўша даврнинг энг буюк сипоҳларидан эди. Мир Алишер амалдорлик ишларини йиғиштириб қўйиб, бошқа амалдорлар ва мулозимлар билан бир қаторда ўзини Султон Ҳусайн мирзо хизматига бағишлади. У ёрдам сўраб мурожаат қилган муҳтожларга, олиму фозилларга қудрати етганча ҳомийлик қилди. Ўз мулкидан тушган барча даромадни эл-юрт фаровонлиги учун хайрия ишларига сарфлади. У хонақоҳлар, масжидлар ва бошқа иморатлар курдирди, уларнинг кўпчилиги то ҳозирги кунгача Хуросон-

МУҲТАШАМ ТАРИХИЙ МАНБА


Муҳаммад Хайдар Мирзонинг «Тарихи Рашидий» асарида милодий ўн бешинчи-ўн олтинчи асрларда юз берган воқеа-ҳодисалар баён этилган. Китоб сўзбошида муаллиф Муҳаммад Хайдар Мирзонинг (1499–1551) ҳаёти, 1541–1546 йиллари Абдурашидхон ибн Султон Саидхонга бағишлаб битилгани, унда хонлар сулоласи шажаралари, шунингдек, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Низомиддин Хомуш, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Мавлоно Муъин Воиз ва бошқа улўғлар ҳақида кўп маълумотлар борлиги алоҳида таъкидланади.

Бугуннинг маърифатталаб ўқувчиси «Бобурнома» билан ёнма-ён «Тарихи Рашидий»ни ҳам ўқиса, ўша давр ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлиши табиий.

Китобни «Бобур жамоат фонди» ҳомийлигида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик бирлашмаси уч минг нусхада чоп этди. Форсчадан Ваҳоб Раҳмонов, Янглиш Эгамова таржима қилган.

Китобнинг «Мир Алишер зикрида» ва «Заҳириддин Муҳаммад Бобур тўғрисида» фаслларида парчалар тақдим этилган.

Баходир КАРИМ,
филология фанлари доктори





да сақланган. Ўша пайтда Мир Алишер ҳомийлик қилмаган бирорта олиму фозил киши йўқ эди. У беҳад зукко ва заковатли киши эди... Гарчи у фозил ва беҳад давлатманд бўлса-да, бутун қимматли ҳаётини нафсини тийиш ва хайрли ишлар билан ўтказди.

Байт:

*Теран денгизлардан гавҳар-дур унар,
Инсонга кераги – яхши бир хунар.*

кейин ҳеч ким унингчалик кўп ёзмаган. У туркийда ажойиб тотли девон тартиб берган. «Мубаййин» номли шеърӣ асар яратган – жуда фойдали китоб бўлиб, одамлар уни фикҳ дастуриламали сифатида қабул қилишган. У «Туркий аруз»ни ёзган, бундай етук асарни – туркий арузни унгача ҳеч ким битмаган. Ҳазрат Эшон (Хожа Убайдуллоҳ)нинг «Рисолаи волидия» асарини назмӣ таржима қилган.

Унинг «Вақоеъ» («Бобурнома») номли туркий тилдаги тарихӣ асари бор, у жуда аниқ,

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТЎҒРИСИДА

Саккиз юз саксон саккизинчи йил муҳаррам ойининг олтинчи (1483 йилнинг 14 феввали) куни туғилди. Улуғбекнинг уламоӣ мутаоххирларидан бири – Мавлоно Мунир Марғиноний унинг туғилган йили тарихини «Шаши муҳаррам» (муҳаррам ойининг олтинчи куни) сўзларидан топди. Улар Ҳазрат Эшон Убайдуллоҳдан гўдакка исм қўйиб беришни сўрашди. У киши «Заҳириддин Муҳаммад» исми билан мушарраф қилдилар. У пайтда чиғатойлар кўчманчи ҳаёт кечиришар, ўтроқ эмас эди, улар «Заҳириддин Муҳаммад»ни айтишга қийналишарди, шу сабаб уни «Бобур» деб ҳам атардилар. Хутба ва ёрлиқларида уни «Заҳириддин Муҳаммад Бобур» деб айтишди ва ёзишди. Аммо у кўпроқ «Бобур подшоҳ» номи билан машҳур.

Насл-насаби: Умаршайх кўрагон ибн Султон Абусаид кўрагон ибн Султон Муҳаммад мирзо ибн Мироншоҳ мирзо ибн Амир Темур кўрагондир. Она томондан – Қутлуқ Нигор хоним Юнусхон қизи ибн Увайсхон ибн Шералихон ибн Муҳаммадхон ибн Хизр Хожахон ибн Туғлуқ Темирхондир.

У турли гўзал фазилатлар, мақтовга лойиқ сифатларга эга подшоҳ эди. Барча сифатлари ичида шижоат ва мурувватпешалиги устун келарди. Туркий шеърӣятда Мир Алишердан


1. Алишер Навоӣнинг «Бадоеул бидоя», «Наводирун ниҳоя» ва «Хазойинул маоний» девонлари назарда тутилмоқда. Кейинчалик биринчи икки девон шеърлари учинчиси таркибига киритилган.

2. «Насойимул муҳаббат» назарда тутилган.

3. Саройда хизмат қилган нуфузли зиёллар: иш юри-тувчилар, котиблар, хазина ҳисобчилари, муҳандислар...

тушунарли, ширали, соф жонли тилда битилган. Ундан айрим парчалар ушбу «Тарих»да ҳам келтирилади. Мусиқӣ ва бошқа санъатларда унинг хонадонидан унгача бундай иқтидорли киши бўлмаган.

Унинг бошидан жуда гаройиб воқеалар, ҳайратланарли саргузаштлар ва жанглар кечган. Ўғилларидан бирортаси бундай воқеаларни



бошидан кечирмаган. Отаси Умаршайх мирзо оламдан ўтганида у ўн икки ёшда эди. Бу ҳақда «Вақоеъ»даги моҳирона битилган сатрларни шу ўринда келтирамиз: «Душанба куни рамазон ойининг тўртида Умаршайх мирзо кабутархонадин кабутарлар бирла учиб, шунқор бўлди. Ўттуз тўққуз яшар эрди». Бу воқеа 899 (1494) йили содир бўлди. Бобур ўшанда отаси вафотидан сўнг ўн икки ёшида тахтга ўтирган эди...



Абдурахмон РАЪФАТ ПОШО

АБУ УБАЙДА ИБН ЖАРРОҲ



Абу Убайда Омир ибн Абдуллоҳ ибн Жарроҳ ибн Ҳилол (розийаллоҳу анҳу) машҳур саҳобалардан. У Қурайш қабиласининг Бани Фихр уруғидан, насаби еттинчи отада (Фихрда) Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сулоалари билан бирлашади. Олдин Ҳабашистонга, кейин Ясрибга кўчганлардан. Турклигида жаннат башорати берилган ўн саодатманд саҳобанинг бири. Ислом тарихида шижоатли, буюк саркарда, одил, ҳаёли, ишончли шахс сифатида танилган. Ҳижрий 18 (милодий 639) йили Урдунда вафот этган. Қабри Амё қишлоғида.

Абдуллоҳ ибн Умар (розийаллоҳу анҳу) бундай дейди: “Қурайш қабиласида уч киши бор: улар инсонларнинг энг очиқ чехрали, гўзал хулқли ва ҳаёлиларидир. Агар сизга гапиргудай бўлишса, бир лукма ҳам ёлғон қўшишмайди, агар сиз уларга гапирсангиз, сизни ёлғончига чиқаришмайди. Улар Абу Бакр Сиддиқ, Усмон ибн Аффон ва Абу Убайда ибн Жарроҳдир” (розийаллоҳу анҳум).

Абу Убайда Абу Бакр Сиддиқ чорлови билан Пайғамбар (алайҳиссалом) ҳузурларига бориб, шаҳодат калимасини айтган эди. Кейинчалик мушрикларга қарши маъракаларда алоҳида шижоат ва мардлик кўрсатди. У Аллоҳга имон-эътиқоди кучли, инсонлар орасида ишончга сазовор, омонатга вафодор инсон эди.

Муҳаммад ибн Жаъфар ҳикоя қилади:

“Бир куни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига насронийлар гуруҳи келиб:

– Эй Абул Қосим, ўртамиздаги мол-мулкни тақсимлаёлмай, уришиб қолаёздик. Сизлар тўғриси, омонатдор кишиларсизлар. Бир ишонган одамингни бизга қўшиб берсангиз, у молларимизни адолат билан тақсимлаб берса... – дейишди.

– Эртага келинглар, сизларга энг ишонган одамимни қўшиб бераман, – дедилар Фаҳри Коинот (алайҳиссалом)”.

Бу ҳикояни Умар ибн Хаттоб (розийаллоҳу анҳу) бундай давом эттиради:

“Эртаси куни пешин намозини ўқиш учун масжидга одатдагидан эртароқ келдим. Аллоҳ ҳаққи, умрим бино бўлиб бирор марта одамлар орасида қозилик қилишни истамаган эдим, лекин ўшанда Сарвари олам бу ишга мени танласайдилар деган орзу билан ёнардим. Пайғамбар (алайҳиссалом) бизга пешинни ўқиб бергач, ортларига ўгирилдилар. Нигоҳлари билан одамлар орасидан кимнидир ахтара бошладилар. Мен умид билан бўйнимни чўзиб қарадим. Пайғамбаримиз назарлари Абу Убайдага тушиб, уни чақирдилар.

– Меҳмонлар билан бирга бориб, улар





келиша олмаётган масалани одиллик билан ҳал қилиб бер, — деб буюрдилар. “Улоқни Абу Убайда илиб кетди”, деб қўйдим ичимда”.

Анас ибн Моликдан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: «Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Албатта ҳар бир умматнинг амини (ўта ишончли киши) бўлади, бизнинг аминимиз Абу Убайда ибн Жарроҳдир”, дедилар» (*Имом Бухорий, Муслим, Термизий ривоятлари*).

* * *

Жобир ибн Абдуллоҳдан (розийаллоху анхум) ривоят қилинади: «Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) Абу Убайда ибн Жарроҳни бош қилиб бизларни Курайш карвони ортидан юбордилар. У зот (алайҳиссалом) бизга бир идиш хурмо бердилар, бошқа нарса тополмадилар. Абу Убайда ҳар қайсимизга бир дондан хурмо тарқатарди ва биз гўдак сўрганга ўхшатиб хурмони сўрар, сўнгра устидан сув ичар эдик. Баъзан таёқ билан барг қоқиб келиб, кейин уни хўллаб ер эдик» (*Абу Нуъайм ривояти*).

* * *

Абу Саълаба (розийаллоху анху) бундай дейди: «Расулulloхга (соллаллоху алайҳи ва саллам) учраб: “Эй Аллоҳнинг расули, яхши илм олиш учун мени бир одамга йўлланг”, дедим. Шунда у зот мени Абу Убайда ибн Жарроҳга юбордилар ва: “Мен (сени) илмингни ва одобингни яхшилайдиган кишига жўнатдим”, дедилар» (*Ибн Асокир ривояти*).

* * *

Абу Умома Бохилийдан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: «Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) Абу Бакр, Умар, Абу Убайда ибн Жарроҳ (розийаллоху анхум) ва бир гуруҳ саҳоба билан ўтирган эдилар. Бир идишда ичимлик келтирилди. Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) уни Абу Убайдага тутдилар. Шунда Абу Убайда: “Сиз ўзингиз олинг, эй Аллоҳнинг расули!” деди. “Сен ол!” дедилар у зот. Абу Убайда пиёлани олди ва уни ичишдан олдин яна: “Сиз ўзингиз олинг, эй Аллоҳнинг расули!” деди. Шунда Набий (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Ич, барақа албатта улуғларимизда. Ким кичигимизга раҳм қилмаса ва каттаимизни ҳурматламаса, биздан эмас”, дедилар» (*Табароний ривояти*).

Абу Убайда ибн Жарроҳ (розийаллоху анху) Шомга волий этиб тайинланиб, катта мансабга эга бўлганидан кейин ҳам заррача ўзгармади. Қўл остида ўша вақтдаги дунёнинг энг кучли лашкари турганига қарамай, оддий аскардек юраверди.

* * *

Урва ибн Зубайрдан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: «Ҳазрати Умар Шомга келганида уни жуда кўп одамлар кутиб олишди. Шунда Ҳазрати Умар: “Оғайним қани?” деб сўради. “Ким у?” дейишди. “Абу Убайда”, деди Ҳазрати Умар. “Ҳозир келади”, дейишди. Абу Убайда каноф юганли туяни миниб келди. Ҳазрати Умар Абу Убайда ибн Жарроҳ билан кучоқлашиб кўришди. Кейин унинг уйига кирди. Уйда қилич, қалқон, эгар-жабдукдан бошқа нарса кўрмади ва: “Бошқа шерикларингга ўхшаб сен ҳам убу қилмадингми?” деб сўради. “Ўтиб-тургани шу ҳам етади”, деди Абу Убайда. Шунда Умар ибн Хаттоб (розийаллоху анху): “Сендан бошқа ҳаммамизни дунё ўзгартириб юборди, эй Абу Убайда”, деди» (*Имом Аҳмад, Абдуллоҳ ибн Муборак, Абу Нуъайм ривояти*).

* * *

Ибн Асокир Саъид Ибн Абу Саъиддан ривоят қилади: «Абу Убайда ибн Жарроҳ (розийаллоху анху) Ўрдунда вабога чалинганида ўша ерда ҳозир бўлган мусулмонларни чақириб бундай деди: “Мен сизларга бир васият қиламан. Агар уни қабул қилсаларинг, яхшиликда бардавом бўласизлар: ибодат қилинглар, закотни беринглар, Рамазон ойи рўзасини тутинглар, садақа беринглар, ҳаж ва умра қилинглар. Бир-бирларингизга насиҳатчи бўлинглар. Дунё сизларни ҳалок этмасин. Агар бир одам минг йил яшаса ҳам, албатта, кўриб турганларингдай, менинг ҳолимга тушиши бор. Аллоҳ таоло Одам боласига ўлимини ёзган, ўлим ҳамманинг бошида бор. Одамларнинг энг фаросатлиси Раббига итоатли бўлгани ва қайтар куни учун кўпроқ амал қилганидир. Вассалому алайкум ва раҳматуллоҳи!».

Шу сўзларни айтганидан кейин Абу Убайда ибн Жарроҳ (розийаллоху анху) боқий дунёга риҳлат қилди.

Аҳмад МУҲАММАД
таржимаси



“Ҳар гал аммам бизникига келса, онам супага жой қилиб, теварагига дарров суе сепардилар. Кечки салқинда иккалалари эски ёзувли китобларни овоз чиқариб ўқишарди. Мен эсам, улар Сўфи Аллоҳёрдан, Аҳмад Яссавийдан ўқишаётган, деярли ёд бўлиб кетган мисраларни ичимда тақрорлаб ётардим.

Бирлари ўқиб чарчаса, иккинчилари бошлар, баъзан ўқишга қийналиб қолишса, аммам мени чақириб: “Шу ерини кўриб беринг, яхши болам”, дер эдилар. Мен бўлсам, бир оз олдин онамдан эшитган койиш сабаб “аразлаб” турар, қайта-қайта чақиритганидан кейингина ўқиб берар эдим...”

ҚАНДАЙ КИТОБ ЎҚИЯПСИЗ, ОНАЖОН?

Бу гаплар, бир қарашда, узоқ ўтмиш ҳикоясига ўхшайди. Аслида ундай эмас. Дўстимнинг ёши ҳали ўттизга етмаган. Демак, йигирма йиллар нари берисидаги гап. Жуда олис йиллар ҳикоясидек туюлиши замондан эмас, ўзимиз бу каби ҳолатлардан узоқлашиб кетганимиздандир.

Деярли ҳар бир авлоднинг шунга ўхшаш ҳикоялари бўлади. Мен уларни бувиларимдан, ота-онамдан кўп бор эшитганман. Дадам узун қиш кечалари бозиллаган сандал теварагида қалдирғочдек тизилиб ўтирган бир тўп болага бувилари қандай китоблар ўқиб берганларини гапирардилар. Онам эса, раҳматли боболари: “Гўрўғли”дан ўқи,

болам”, деганида, бувисидан эшитиб, ёдлаб олган достонларини бийрон тилда айтаётган қизалоқни хотирлайдилар. Бу хотиралар шунчаки болаликни эслаш эмас, балки кўнглини маърифатга ошно қилган воқеликни кўмсаш ҳамдир.

Эътибор берсак, бундай ҳикояларни кўпроқ бувилар сўзлаб беришларини кўраимиз. Китоб ва китобхонликка ошно бўлиб улғайган авлод кўнглида эса ҳамиша илм-маърифатга интилиш бор. Бу ҳол кўпроқ бувилар, оналар хизмати самараси. Бир сўз билан айтсак, маърифатли авлодни маърифатли оналар тарбиялашган.

“Ўғлимни ҳеч компютердан ажратолмаяпман. Уришиб ҳам, яхши гапириб ҳам кўрдим, фойдаси бўлмапти. Нима қилишга бошим қотган...”

“Қизимни китоб ўқишга ўргатолмадим-ўргатолмадим. Тўртинчи синфга ўтяпти-ю, ҳалигача тўғри ўқиёлмайди. Дарс қилса, ёнида ўтиришим керак...”

“Бу “сотка” дегани қайдан чиқди? Каттам ҳам, кичигим ҳам ўшанга ёпишган... Нима қилса бўлади-я буларни?”

“Айтган ишларимни қилмай, кун бўйи телевизор кўргани-кўрган. Биз ёш қиз пайтимиз бундай эмасидик...”

Бугун кўп оналардан шу хил шикоятларни эшитамиз.

Қуш уясида кўрганини қилади. Фарзандининг ўқиши, дарслари билан иши йўқ, лекин қўшни аёллар билан ғийбатлашишни яхши кўрадиган онанинг қизи китобга бегона бўлса, ҳайратланмаймиз. Боласини ҳикоя, эртак айтиб ухлатишга эринадиган, аммо навбатдаги ғийбатни қиладиган, филм кўрадиган оналар фарзандлари телевизор, телефонга “ёпишиб” қолишгани сабабини ўзларидан ахтаришсин.

Сериални кўрмаса туролмайдиган оналарнинг қизлари ҳам телевизор олдида кўп ўтиришни кимдан ўрганишгани маълум...

Оналик – катта масъулият. Замон тез илгарилаётган, фан-техника ютуқлари бутун дунёни қамраб бораётган давримизда бу масъулият янада ортади. Фарзанд эса Аллоҳнинг омонати. Унинг табиясига эътиборсиз бўлиш омонатдорликка зид иш.

Зумрад ФОЗИЛЖОН қизи





ТАРБИЯЛИ ХОТИН

Инсон қариб, нафсининг ҳукмронлиги қолмаганида ёки касал бўлса-да эр-хотин кўнглида муҳаббат сўнмайди. Шу боис эр-хотин Аллоҳ таолонинг инояти – никоҳ неъматини қадрлашлари, ҳамиша хатога йўл қўймасликка интилиб яшашлари лозим.

Эр ҳам, хотин ҳам белгиланган маълум вазифаларни бажариши шарт. Бажаришмаса, ораларидаги муҳаббатга дарз кетади. Одам боласи ўзи ёқтирмаган кишидан айб излайди. Оқибатда боши ғавғодан чиқмай қолади.

Хотинлар ўзларига тегишли вазифаларини адо этишса, шубҳасиз, эрларининг муҳаббатига ҳурматларини қозониб, дунё ва охиратда ҳам гўзал мукофотларга эга бўлишади.

Тарбияли хотинлар эрларига итоат қилишади. Чунки хотин устида эрининг кўп ҳақлари бор. Аллоҳ таоло ризолигидан умидвор хотин эри билан гўзал ҳаёт куриши ва унинг сўзларини жонитани ила тинглаб, итоатли бўлиши лозим. Расулulloҳнинг (соллоллоҳу алайҳи ва саллам): “Эрини рози қилган ҳолда вафот этган хотин жаннатга киради”

деган ҳадисларидан эрига итоат хотинга бурч экани маълум бўлади.

Хотинларнинг шарафи эрига итоат қилишда, саодатлари эса уй бекалигидадир. Мабодо эр ёмон хулқли, жаҳлдор бўлса ҳам, хотини тарбияли бўлса, вазифасига риоя этиб, эрини яхши йўлга бошлайди. Тиришқоқлиги ва сабри сабаб эри ила гўзал кунларга эришади. Кўркам турмуш деб шуни айтадилар. Одамларнинг кучи етмаган хизматлар ҳам яхши хулқли одамга оғирлик қилмайди. Тарбияли хотин вазифаларини билиб ҳаракат этиши,



гўзал одоблари, ихлосу итоати сабаб, қандай одам бўлмасин, унинг кўнглини топа олади.

Хотиннинг асл бойлиги эрининг муҳаббатидир.

Эрлар тан бўлишса, хотинлар жон кабидир.

Хотинларнинг яхшиси қаноатли бўлганидир.

Покиза хотиннинг хизматчиси ҳам озода бўлади.

Хотинларинг жилмайишлари нақадар ёқимли бўлса, қийқириб кулишлари шу қадар ёқимсиздир.

Хусни ила мақталувчи хотин эмас, тарбияли хотин гўзалдир.

Болаларини кўриб, оналарининг илму тарбиясини, онгини англаш мумкин.

Ризоуддин ибн ФАХРИДДИН

ОНАНИНГ ЭЗГУ ТИЛАГИ

Ҳикоя қилмоқчи бўлганим воқеа ўйлаб топилмаганига далил сифатида қаҳрамонларини ўз исмлари билан атадим.

Камсукум, истеъдодли шоира Уллибиби Отаеванинг (Аллоҳ раҳмат қилсин!) келинларидан бири – Меҳрибоннинг фарзанд кўрганини эшитиб, йўқлаб бордим. Чақалоққа Холида деб исм қўйишибди.

– Бундай исм қўйишларингизга бирор сабаб борми? – деб сўрадим.

– Агар фарзандимиз қиз бўлса, уни «Холида» деб аташни жуда хоҳлагандим, – деди Меҳрибон. – Худога шукр, ниятимга етдим.

Бу гапни эшитиб, кўнглимга

яна қизиқиш тушди. Меҳрибон «янги меҳмон»нинг исми билан боғлиқ воқеаларни гапира бошлади:

– Биз бу фарзандни тўрт йил кутдик, у дунёга келишидан олдин катталар ҳам, кичиклар ҳам ўзларига ёққан исмларни танлаб чиқишди. Тарихий шахсларнинг номларидан тортиб замонавийларига... Ўзим эса унинг соддагина «Холида» бўлишини чин дилдан истардим. Балки турмуш ўртоғимнинг, укаларимнинг исмлари “х” товуши билан бошлангани учунми, билмадим... Хуллас, ой-куним этиб, туғруқхонада кўзим ёриди.

Чақалоғим йиғисидан бутун вужудим қувончу ҳаяжонга тўла эди. Доя ва ҳамширалар:

– Мана, Холида дунёга келди, Холида! – деб суюнчилай бошлашди.

Ҳайрон бўлдим. Бу исм ҳақида уларнинг бирортасига гапирмаган эдим-ку...

– Нимага Холида деяпсизлар? – сўрадим улардан.

– Чақалоқ ўз исми билан туғилди-да! – деб қизимни яқин олиб келди доя. – Мана буни қаранг...

Мурғаккина гўдагимнинг жажжи оёқчасида нўхатдеккина қора холи бор эди...

Меҳрибоннинг гапларини тинглаб, Аллоҳ таоло оналарни эзгу ниятларига етказишига яна бир карра имон келтирдим, шукроналар қилдим.

Муҳтарам УЛУҒОВА



Абдулқодир Жийлонийнинг тўлиқ исм-шарифи Муҳйиддин Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абу Солиҳ Дўстдир. Олимлар унинг насабини ҳазрати Алига (каррамаллоху ваҷҳаху) боғлашади ва Жийлон машойихидан устоз Абдуллоҳ Савмайнинг эвараси эканини ҳам айтишади.

Ҳофиз Заҳабий ва Ибн Ражабга кўра, ул зотнинг отаси Абу Солиҳ Абдуллоҳ, онаси Абдуллоҳ Савмайнинг қизи Фотима Умму Хайрдир. Аллома Шайх Шамсиддин ибн Насриддин Дамашқий айтишича, Абдулқодир Табаристоннинг Жийлон деган жойида ҳижрий 470 йили Рамазон ойида туғилган. Шайх Абдулқодир мазмунли умрини Бағдодда ўтказди. Ҳижрий 561 йили рабиул охир ойининг саккизинчи куни вафот этди.

Қуйида улўғ алломанинг “Футухул ғайб” (Ғайб очқичлари) асаридан нафс тарбиясига доир айрим парчаларни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Абдуллоҳ МУРОД

НАФСНИ НАЗОРАТСИЗ ҚОЛДИРМАНГ

Аллоҳ таолога исён қилманг, ширк келтирманг. Саботли бўлинг, қочманг, сўранг, умидсизликка, тушкунликка тушманг.

Одамлар билан дўст-қардош бўлинг, душманлик қилманг. Яхшилик йўлида бошқалар билан ҳамкорлик қилинг, одамларни яхши кўринг, оғриниб улардан хафа бўлманг. Гуноҳлардан узоқ туринг. Кечалари ва кундузлари Раббингизга истиғфор айтинг.

* * *

Нафс қутқуларидан эҳтиёт бўлинг. Қалбингизга ҳой-ҳавас ва шаҳватларнинг киришига изн берманг. Ҳой-ҳавасларга эргашдингизми, улар қалбингизни эгаллаб олади. Сўнг уларга бўйсунадиган бўлиб қоласиз.

Ширк фақат бутларга сифинишгина эмас. Дунё ва унинг ашёларидан бирор нарсани Рабдан афзал билиш ҳам ширкдир. Бундай ҳолатдан жуда эҳтиёт бўлинг. Ўзингизга ишониб қолманг, нафсингизни назорат остига олинг.

Ғафлатда қолмасангиз, хотиржамликка берилмайсиз. Нафсингизга бирор мартаба мақом бериб, керилманг, иддао ҳам қилманг... Аллоҳ таоло қодир Зот эканини унутманг. Аллоҳ таоло:

«(Эй Муҳаммад!) Бирор оятни бекор қилсак ёки ёдингиздан чиқартирсак, ундан яхшироғини (умматингизга муносиброғини) ёки ўшанинг (айнан) ўзига тенг (бошқа оят)ни келтираверамиз. Аллоҳнинг ҳар нарсага қодир эканини билмадингизми?!» (Бақара, 106), дея марҳамат қилган.

Расулulloҳдан (алайҳиссалом) ибрат олинг. У зотга туширилган, амал этилаётган оятлар ҳукми баъзан бекор қилинар, ўрнига бошқалари туширилар эди. Ҳукм бир оятдан бошқасига кўчирилди. Ишнинг ташқи кўриниши шундай эди. Аммо ботини Аллоҳ таоло билан расули (алайҳиссалом) ўртасида сирлигича қоларди.

Шу боис у зот (алайҳиссалом) марҳамат қилганлар: «Баъзан менга сиқилиш келиб, Аллоҳга ҳар куни етмиш марта истиғфор айтаман» (Аҳмад ибн Ханбал, Муслим, Абу Довуд, Ибн Можа, Насаий).

Истиғфор, тавба-тазарру



банданинг энг яхши ҳолидир. Чунки улар банданинг қусур ва гуноҳларини эътироф этишидан юзага келади.

* * *

Илм, қаноат, сабр бошқа ҳар хил неъматлардан яхшироқдир. Яхшиликнинг моҳияти — неъматга шукр қилиш, уни сақлаш ва бориға рози бўлиб, бошқа нарсаларга майл қилишни тарк этишдир.

* * *

Нафс сизга ҳукмини ўтказиб, истаклари, лаззатларини қондириш пайида бўлади. Унга қарши курашиб, доимо жиловлашга интилангиз, Аллоҳ учун нафсингизга қарши чиққан бўласиз.

Аллоҳ таолодан кўрксангиз, нафсингиз истакларига эргашмайсиз. Харомлардан буткул узоқ бўлинг, шубҳали нарсалардан сақлангиз. Одамлардан ҳеч нарса тамаъ қилманг. Уларнинг мол-дунёларига ҳавасингиз келмасин.

Унутманг, ҳамма нарса Аллоҳ таолонинг изни ва хоҳиши билан бўлади. Бандаларнинг «касб»лари (жузъий ихтиёри) борлигини ҳам эсдан чиқарманг. Шундай қилсангиз, жабриялар (бандаларда танлаш имкони йўқ дегувчи бидъатчи гуруҳ)нинг хатосини такрорламайсиз.

Воқеаларни (Аллоҳнинг изнисиз) бандалар содир этаётир, деган ваҳимага берилманг. Яъни, ишларни батамом бандаларга боғламанг. Шундай қилсангиз, қадария (тақдирни инкор этадиган бидъатчи тоифа) аҳлининг ҳолига тушмайсиз.

Бандаларнинг ишлари ҳам Аллоҳ таолонинг яратиши билан, ҳам бандаларнинг касблари билан бўлишини билинг. Хабарларда мукофот ва жазо бандаларнинг касб (қилмиш)лари эвазига берилиши айтилган.

Ҳар нарсада Аллоҳ таолонинг амрига итоат этинг. Асло ҳаддан ошманг. Китоб ва суннатдан айрилмасангиз, ойдинликка етасиз.

Бирор ишга киришганингизда Аллоҳ таолодан тўғри йўлга бошлашини сўранг. Шундай йўл тутсангиз, Аллоҳ таоло ҳифзу ҳимоясида сақлайди.



БИР САВОЛ СЎРАСАМ

Саволларга
Ўзбекистон муслмонлари
идораси раиси, муфтий
Усмонхон АЛИМОВ
жавоб беради

Савол: Дуо қилишнинг одоблари ҳақида маълумот берсангиз?

(Сурхондарё вилояти Сарийосиё тумани).

Жавоб: Дуо ибодат мағзидир. Аллоҳ таолога ёлвориб, илтижо қилиб сўралган тилаклар ижобат бўлишига шубҳа йўқ. Ким тавба-тазарру билан дуога қўл очса, албатта, Аллоҳ таоло уни қуруқ қайтармайди.

Куйидагилар дуонинг одобларидир:

1. Ихлос (дуонинг қабул бўлишига чин кўнгилдан ишониш).
2. Дуони бошлашда ва охирида Аллоҳ таолога ҳамду сано, Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саловат айтиш.
3. Танглик ва фаровон кунлари ҳам Аллоҳ таолони ёдда тутиш.
4. Оила аҳли, мол-мулки ва фарзандларини ёки ўзини доуибад қилмаслик.
5. Паст товушда, майин сўзлаб дуо қилиш.
6. Дуодан олдин гуноҳларидан тавба-тазарру қилиш, мағфират сўраш ва берилган неъматларни тилга олиб, шукр қилиш.
7. Дуода қофияли сўзлар ишлатмаслик.
8. Хокисор бўлиб, рағбат ва кўрқув билан дуо қилиш.
9. Бошқалар ҳақини еган ёки олган бўлса, эгасини рози қилиш.
10. Дуони уч марта такрорлаш.
11. Қиблага юзланиб дуо қилиш.
12. Кафтани кўкси баробарида кўтариб дуо қилиш.
13. Имкони борича, покланган ҳолда дуо қилиш.
14. Бошқани дуо қилмоқчи бўлса, биринчи ўзини дуо қилиши.
15. Овқати, ичимлиги, кийими покиза бўлиши.
16. Катта-кичик гуноҳлардан сақланиш.
17. Дуода гуноҳ ишни ёки қариндошидан узилишни сўрамаслик.
18. Яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш.

Бу одобларга риоя этиш дуо қабул бўлишига сабаб бўлади.

“Сўраган эдингиз”, 9-китоб



ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ

Жуғрофий ўрни. Эрон Ислом Республикаси жануби-ғарбий Осиёда жойлашган. Шимолда Арманистон, Озарбайжон, Туркменистон, шарқда Афғонистон ва Покистон, ғарбда Ироқ ва Туркия билан чегарадош. Сув йўллари шимолда Каспий денгизи, жанубда Форс, Уммон кўрфазлари ва Ўрмуз қўлтиғига чиқади.

Тарихи. Эрон дунёнинг энг қадимий мамлакатларидан. Қтмишда бу ўлкани «Форс» деб аташган. Юнонлар ва оврупаликлар «Персия» дейишган. Милоддан олдинги биринчи минг йиллик ўрталарида Кайхусрав (Куруш, Кир) Форс империясини ташкил этди. Форсийлар икки денгиз оралиғини тасарруфига киритиб, ахоманийлар салтанатига асос солишди. Унинг худудлари Буюк Доро замонида янада кенгайди. Ушбу давлат шарқдан Синд дарёси, Ҳиндис-

Майдони: 1 648 000 кв. км.
Аҳолиси: 70,5 миллион киши.
Пойтахти: Техрон шаҳри.
Тузуми: Ислом республикаси.
Давлат бошлиғи: президент.
Маъмурий тузилиши: 31 вилоят (ўстона)дан иборат.
Йирик шаҳарлари: Машҳад, Исфаҳон, Табриз, Шероз, Ободон, Аҳвоз.
Пул бирлиги: эрон риёли.

тоннинг ғарбий вилоятлари, Помир тоғлари, ғарбдан Кичик Осиё, Юнонистон, Миср, Уммон кўрфазидан Қофқоз тоғларигача, Каспий денгизи ва Жайхун дарёси ҳавзасига кирувчи ерларгача қамраб олган эди. Милоддан олдинги 330 йили ахоманийлар давлати македониялик Искандар юри-

ши натижасида инқирозга учради ва юнон салтанатининг бир бўлагига айланиб қолди. Искандардан сўнг Эронда миллоддан олдинги 312–64 йиллар орасида салавкийлар ҳукмронлик қилишди. Улардан кейин орий қабилаларидан портлар ёки ашконийлар тахт тепасига келиб, мамлакатни миллодгача бўлган 250 йилдан то миллодий 226 йилгача бошқардилар. Сосонийлар сулоласи асосчиси Ардашер Бобакон сабаб ашконийлар салтанати тугади.

Милоднинг еттинчи асрига келиб Форс ўлкасини араблар фатҳ этишди. У олдин Мадина волийлиги, кейин Шом давлати таркибида бўлди. Эронликлар аббосийлар ҳукмронлиги даврида юқори мартабаларга эришишди ва қадимий урф-одатларини тиклашди. Аббосийлардан сўнг Эроннинг турли минтақаларида тоҳи-



рийлар, саффорийлар, Оли Зиёр, сомонийлар ва дайламийлар давлатлари вужудга келди ва ҳукмдорлар биринкетин алмашаверди. Сомонийларни ғазнавий ҳукмдорлар ағдаришган бўлса, ғазнавийлар салжуқийлар сабабли инқирозга юз тутишди. Салжуқийлар давлати хоразмшоҳлар томонидан қулатилди.


Кейинчалик Форс ўлкасини Соҳибқирон Амир Темур ўрдуси ва охирида туркманлар забт этишди. 1502 йили ҳокимиятга чиққан сафавийлар сулоласи ўлкани 1722 йилгача бошқариб турди. Ўн еттинчи аср иккинчи чорагида иқтидорга келган Шоҳ Аббос Биринчи мазкур сулоланинг энг буюк ҳукмдорларидан эди. Унинг ўлимидан кейин Эрон аста-секин таназзулга юз тута бошлади ва 1722 йили афғон ўрдуси томонидан босиб олинди. Бир неча йилдан кейин тахтга янги форс сулоласи чиққач, мамлакат олдинги даврга нисбатан гуллаб-яшнади. 1906 йили ўлкада конституциявий подшоҳлик жорий этилди. 1979 йили инқилоб юз бериб, охириги ҳукмдор Муҳаммад Ризо Паҳлавий тахтдан туширилди ва под-



шоҳлик тугатилди. Ўша йили чет элдан қайтиб келган Оятуллоҳ Ҳумайний мамлакатни республика деб эълон қилди. Эрон ўзига хос давлат бошқарувиغا эга: Оятуллоҳ мамлакат раҳбари, президент давлат бошлиғи ҳисобланади.

Иқтисоди. Эрон саноати ҳам, қишлоқ хўжалиги ҳам баравар ривожланган мамлакатдир. Айниқса, нефт қазиб олиш ва уни қайта ишлашда етакчи давлатлардан саналади. Нефт ва газ захиралари бўйича жаҳонда иккинчи ўринни эгаллайди. Энг муҳим нефт қазиб олиш марказлари: Масжид Сулаймон, Ҳафтгил, Гачсорон, Оғожори, Исломободи

Қарб. Бундан ташқари, мамлакатда кўмир, газ, мис, темир, марганес, қалай, рух, олтин, кумуш, уран ҳам қазиб олинади. Машинасозлик ва метални қайта ишлаш, тўғон қуриш, озиқ-овқат, тўқимачилик, кўн-пойабзал ишлаб чиқариш, шунингдек, хунармандчилик яхши ривожланган. Дала-боғларида буғдой, арпа, шоли, дуккакли экинлар, пахта, шакарқамиш, чой, хурмо, ёнғоқ ва хандон писта кўп етиштирилади. Хандон писта сотиш бўйича жаҳонда энг олдинги ўринларда. Эрон чорвадорлари қўй-эчки, туя ва йirik шохли қорамол боқишади. Чет элларга нефт ва нефт маҳсулотлари, метал рудалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотади. Четдан оғир машинасозлик ва кимё саноати маҳсулотлари, автомобил, темир, пўлат, маъданли ўғит, газлама, қоғоз сотиб олади. Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Олмония, Буюк Британия, Италия, Япония, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари билан савдо-сотиқ кенг йўлга қўйилган. Кейинги йилларда Эроннинг Фарбий Оврупа ва Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий алоқалари кучайди.





Илм-фан ўсишида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари орасида етакчи ўринларга чиқиб олди.

Хунармандчилиги. Эроннинг барча вилоятларида хунармандчилик ривожланган. Қадимдан Исфаҳон хунармандчилик бешиги сифатида танилган. Бу ерлик усталар ғиштни безаш, кошкорлик, деворга ўйма безак солиш бобида катта муваффақият қозонишган. Кошон шаҳри гиламдўзлик, ёғочга безак бериш, кулолчилик, тўқимачилик бўйича машҳур. Шерознинг ипак матолари, пахта, жун маҳсулотлари, мис идишлари, кумушдан ишланган буюмлари чет элларга чиқарилади. Кермон гиламлари қадимдан ҳукмдорлар саройи ва қароргоҳларини безаб келган. Қум вилояти ёғоч ўймакорлиги (Қум бозорининг улкан эшикларига ўйиб ишлан-



ган дурдоналар ушбу санъат намуналари ҳисобланади), дурадгорлик, сопол буюмлар (бу хунарнинг ривожланишига минтақанинг соз тупроғи сабаб), тўқим ясаш (ушбу соҳа Эронда олти минг йиллар илгари вужудга келган бўлиб, ҳозир фақат Қумда сақланиб қолган), тоштарошлик, тазҳиб (нарсаларга тилла суви сепиб ишлов бериш), чилангарлик, каштачилик, матога ранг бериш, китоб саҳифалаш ва бошқа соҳаларда донг таратган.

Аҳолиси. Эрон кўпмиллатли мамлакат. Жами аҳолининг эллик бир фоизи форслар, йигирма тўрт фоизи озарбайжонлар, саккиз фоизи гелак ва мозандаронликлар, етти фоизи курдлар. Икки фоиздан лурлар, балужлар ва туркманлар бор. Шунга кўра Эронда етмиш беш тил ва турли шевалар амалда. Давлат тили форс тилидир. Ундан ташқари туркий-озарий, курд, туркман, гелакий, лур, араб ва балуж тиллари энг муҳим маҳаллий тиллар сирасига киради. Икки миллионга яқин эронлик кўчманчи ва ярим кўчманчиликда кун кечиради.

Дини. Мамлакатга Ислом дини кириб келишидан олдин ерли аҳоли монийлик, оташпарастлик, зардўштийлик, зардўдийлик ва насронийлик каби динларга эътиқод қилган. Эронга Ислом дини еттинчи асрда келганига қарамай, милодий ўнинчи асрдагина кенг ёйилди ва мустаҳкам ўрнашди. Ҳозир Эрон аҳолисининг

98 фоизи мусулмон. Асосан шиа мазҳабига эътиқод қилади, лекин суннийлар ҳам оз эмас (8 фоиз). Булардан ташқари аҳолининг 2 фоизини насронийлар, яҳудийлар ва бошқа конфессияларнинг вакиллари ташкил қилади. Эрон Ислом Конференсияси Ташкилоти аъзосидир.

Маданияти. Эронда Ислом тарихида ёрқин из қолдирган ўнлаб меъморий ёдгорликлар, қадимий масжидлар сақланиб қолган. Шероздаги Жоме масжид (IX-аср), Табриздаги Мовий масжид (XIII-аср), Техрондаги



«Имом» масжиди, Исфаҳондаги «Шоҳ» масжиди (XVII-аср), «Шайх Лутфуллоҳ» масжиди ва бошқалар шулар жумласидан. Ҳамадонда улўф ҳаким, шайхурраис Абу Али ибн Сино, Шерозда атоқли шоирлар Ҳофиз ва Саъдий, Нишопурда Умар Хайём, Машҳадда машҳур ҳукмдор Ҳорун ар-Рашид зиёратгоҳи бор.

Аҳмад ТУРСУН
тайёрлади.

Манбалар:

1. "Страны мира", справочник. Москва, 2003 г. стр. 177-179.
2. "Атлас мира", справочник. Москва, 2003 г. стр. 50-51.
3. "Ислом", справочник. Тошкент, "ЎзСЭ", 332-бет.
4. "Эрон бўйлаб саёҳат". Техрон, 2009 йил.



САЛОМАТЛИК – ТУМАН БОЙЛИК

Баданнинг мўтадиллиги, соғлиги ҳароратга қарши курашувчи рутубат (намлик, совуқлик) билан бўлади. Ҳарорат намликни пиширади ва чиқиндиларини ҳайдайди. Баданни соғлом ва латиф қилади. Ҳарорат камайса, бадан касал, заиф бўлади.

Рутубат ҳароратнинг озиғидир. Рутубат бўлмаса, бадан қуриб, ҳалок бўлади. Ҳарорат рутубат учун озуқа: уни сақлайди, ҳалокат ва ўзгаришлардан ҳимоя қилади.

Улардан бири иккинчидан кўпайиб кетса, бадан мизожида ўзгариш юз беради. Ҳарорат доимо рутубатни эритади, қайтаради. Шу боис бадан яшаши учун ҳарорат эритган нарса ўрнини босадиган овқат ва ичимликка муҳтож бўлади. Агар улар эритилган рутубат миқдоридан ошиб кетса, ҳарорат барчасини парчалаёлмайди. Натижада ёмон моддалар кўпаяди ва одам касал бўлади. Бу ёмон моддаларнинг турига қараб, тана ҳар хил хасталикларга чалинади.

Булар Аллоҳ таоло амри – “Енглар, ичинглар ва исроф қилманглар” мазмунли ояти карима тақозосидир. Оятда овқат ва ичимлик еб-ичиш баданга фойдали миқдорда бўлиши зарурлиги буюрилган. Ушбу миқдордан ошгани исроф бўлади. Еб-ичмаслик ҳам, кўп ейиш (исроф) ҳам соғлиққа зарар ва касалликка сабаб бўлади. Соғлиқни сақлаш йўли шу икки илоҳий калимада тўла ва ихчам баён этилган.



Бадан овқатни эритиш ва унинг ўрнини тўлдириш билан тирик. Эритиладиган овқат кўпайгани сари ҳарорат заифлашади. Ҳарорат заифлашса, ҳазм қилиш кучсизланади. Бундай ҳол давом этса, рутубат йўқ бўлади ва ҳарорат батамом ўчади. Бу умр тугади деганидир.

Даволашдан мақсад умр тугашигача баданни асрашдир. Табибнинг вазифаси рутубатни чириш ва бузилишлардан ҳимоя қилиш ва танада ҳарорат мўтадил бўлиши чораларини кўришдир.

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрсатмаларига амал қилган киши соғлиқни сақлашнинг энг устун йўлини тутган бўлади. Соғлиқни сақлаш ейиш, ичиш, кийиш, ҳаво, уйку, бедорлик, ҳаракат, сукунат, никоҳланиш, бўшаниш ва тийилиш каби нарсаларга боғлиқ. Бу ишлар баданга, жойга, ёшга ва одатга мувофиқ ва мўтадил ҳолатда амалга оширилса, соғлиқ мустаҳкам, офият давомли бўлади.

Соғлиқ – Аллоҳ таолонинг бандаларга берган энг

улуғ неъматларидан бири. Ҳар бир инсон соғлиғига масъул ва йўқолишидан ҳимоя этишга бурчлидир.

Имом Бухорий “Саҳиҳ”-ларида Ибн Аббосдан (розийаллоҳу анху) бундай ривоят қилади: “Икки неъмат бор, кўпчилик уларнинг қадрига етмайди: улар соғлиқ ва тинчлик-хотиржамликдир”.

Баъзи муфассирлар “Сўнгра ана ўша Кунда (қиёматгача) албатта (сизларга ато этилган барча) неъматлар тўғрисида сўроқ қилинурсиз” (*Тақасур*, 8) мазмунли оятида келган «неъмат»ни соғлиқ деб тафсир қилишган.

Абдурахмон ибн Абу Лайло Абу Дардодан ривоят қилади: «Мен: “Ё Расулulloҳ, офиятли бўлиб шукр қилиш мен учун касалланиб, сабр қилишдан яхшироқдир”, дедим. Шунда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳнинг расули ҳам сен билан бирга офиятни севади”», дедилар.

Ибн Аббосдан (розийаллоҳу анху) ривоят қилинади: «Бир аъробий Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хузурларига келиб: “Беш вақт намоздан кейин Аллоҳдан нимани сўрай?” деди. “Аллоҳдан офиятни сўра”, дедилар. Сўнг бу сўзни яна бир бор такрорладилар. Учинчи мартасида: “Аллоҳдан дунё ва охират офиятини сўра”, дедилар».

*Ибн Қаййум Жавзийнинг
«Набавий тиб» китобидан
Алишер ТУРСУН
таржимаси*

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Динлараро бағрикенглик



Ислом Конференцияси Ташкилоти му- сулмон олами билан Фарб ўртасида маданий ва диний алоқаларни ривожлантиришни кўллаб-қувватлайди.

“ИКТ сабр-тоқат, тинчлик, дўст-биродарликка асосланган Ислом-нинг ҳақиқий ва амалий тимсолидир. Ташкилот бошқа дин ва тамаддунлар билан алоқа ўрнатишни рағбатлантиради”, деди ИКТ раиси Абдул Рауф ибн Ражаб.

Ислом дини ва муслмонларни ёмонотлик қилиш бутун дунёдаги тинчлик-хотиржамликка салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўтган йилнинг 8-10 декабрида Варшавада ўтган анжуманда ҳам айни шу масала – Марказий ва Шарқий Оврупадаги муслмон жамиятларининг бугунги аҳволи му- хокама этилди.

Масжидни янгилаш лойиҳаси



Саудия Арабис- тони ҳукумати Пай- гамбаримиз (сол- лаллоҳу алайҳи ва саллам) даврида қурилган масжидни замонга мос таъ- мирлаш лойиҳаси- ни ишлаб чиқди.

Шахзода Султон ибн Салмон ибн Абдул Азиз раҳбарлигида “Heritage” уюшмаси Ал-Ихса вилоятидаги тарихий масжидда тадқиқот иш- лари олиб борди.

Ушбу ибодатхона Ислом пайдо бўлгани- дан кейин қурилган учинчи масжиддир. Ун- гача Пайгамбаримиз масжиди ва Мадинадаги “Қубо” масжиди барпо этилган эди.

Таъмирлаш ва тиклаш Ислом ишлари ва- зирлиги раҳбарлигидаги қадимий масжидларни муҳофаза қилиш дастури асосида олиб бори- лади. Дастурнинг биринчи босқичида 60 та тарихий масжид қайта тикланган эди.

Ғазо минтақасига ёрдам



Ўтган йилнинг 27 ноябрида Ислом Конференцияси Ташкилоти вакил- лари Ғазо минтақа- сига ташриф бую- риб, ҳудудни тик- лаш дастурлари куч- га кирганини эълон

қилган эди. Инсонпарварлик лойиҳаларининг умумий қиймати ўттиз милён дўлларни таш- кил этади. Дастур бўйича 1700 та турар жой биносини таъмирлаш, 100 та янги иншоот бар- по этиш ва бошпанасиз қолганларга 700 та уйни тақсимлаш режалаштириляпти.

Худудда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва чорвачиликни ривожлантириш мақсадида ўн икки милён дўлларли лойиҳа ҳам ҳаётга татбиқ этилди. Бунда турли мевалар ва хурмо етишти- рувчи фермалар ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

2009 йилнинг мартада ИКТ Бош котиби Акмалиддин Эҳсонўғли Ғазо минтақасига таш- риф буюрган, Фаластинда ҳаётнинг оғриқли нуқталарини кўрган эди.



Сунъий йўлдош учирилиши мумкин



чиқариш учун имконият бор.

Аэромайдон куриш учун 100 милён дўллар, ракеталар тайёрлаш учун эса 500 милён дўллар керак бўлади. Хозирча халқаро ёрдамдан 250 минг дўлларгина йиғилди, холос. Ризвон Фақир Саудия Арабистони, БАА, Малайзия ва Индонезия каби мусулмон мамлакатларидан кўмак кутяпти.

Кипрда анжуман ўтказилди



Кипрда Ислом Конференцияси Ташкилотининг Ўртаер денгизи худудида ислом тамаддуни масалаларига бағишланган тўрт кунлик форуми бўлиб ўтди.

Халққаро анжуманнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Шимолий Кипр Турк республикаси президенти Дарвиш Эрўғли мамлакатда яшаётган турк халқи ислом маданиятини асрлар оша сақлаб келаётганини таъкидлади. Президент Кипрдаги вазият ва юнон миллатига мансуб кипрликлар билан олиб борилаётган музокаралар ҳақида ҳам тўхталди.

Маълумот учун қайд этиш лозим, БМТ бош қотиби Пан Ги-Мун ШКТР президенти Дарвиш Эрўғли ва кипрлик юнонлар йўлбошчиси Деметрис Христофиас билан Женевада учрашишни режалаштирмоқда.

Дорилфунунда мажлис



20 январ куни “Ал-Азхар” исломий тадқиқотлар дорилфунунда мажлис бўлиб ўтди. Унга илм даргоҳи раҳбари Аҳмад Тоййиб раислик

қилди. Йиғинда ислом олами ва Ватикан ўртасидаги муносабатлар муҳокама қилинди. Иштирокчилар мусулмонлар ва насронийлар ўртасида турли низолар келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатларга қарши кураш, ўзаро ҳамжиҳатлик ҳақида сўз юритдилар.

Экстремизмга қарши кураш йўлида



Саудия Арабистони ҳукумати экстремизмга қарши курашда интернет тармоғи имкониятларидан кенгрок фойдаланишни режалаштирмоқда.

Шу мақсадда исломий ишлар вазирлиги мусулмон дини арконларини тарғиб-ташвиқ этувчи веб-сайт яратди.

“al-islam.com” деб ном олган сайт шу йилнинг 23 январидан ишлай бошлади. Унга экстремистик дунёқарашни рад этувчи турли йўналишдаги мақолалар, видеолар ҳайлаштиради. Яна бир муҳим томони, сайтда имомлар учун ваъз материаллари ҳам бериб борилади.

Юқори мартабали мансабдорлар, шу жумладан, ҳукумат ички ишлар вазири давлат диний идоралари ва мусулмон олимларини бу ҳаракатда фаол иштирок этишга ундамоқда.

Парламент аъзоси фикри



Буюк Британия парламентида илк бор юқори лавозимни эгаллаган мусулмон аёл, консерватив партия ҳамраиси Саида Варси ислом билан қўрқитиш

мамлакатда оддий ҳолга айланиб қолаётганини таъкидлади.

Варси хоним Лейчестер университетида қилган маърузасида деярли уч миллион британиялик мусулмонни ёмонотлик қилиш нотўғри экани, бу нарса хато тасаввур пайдо бўлиши, вазиятнинг янада кескинлашишига олиб келаётгани ҳақида сўзлади.

НОСИРХОН ТЎРА

Чоризм салтанати истибдодига қарши ва мамлакатимиз мустақиллиги учун курашнинг олдинги сафларида турган фидойилар орасида Носирхон тўра Саид Камолхон тўра ўғлининг алоҳида ўрни бор. Носирхон тўра ўлкада миллий-озодлик курашининг йирик раҳбарларидан бири, юртда ном чиқарган таниқли уламо эди.

У ҳижрий 1287 сана, милодий 1871 йили Косон (ҳозирги Наманган вилоятининг Косонсой) шаҳрида туғилган. Намангандаги мадрасалардан бирида мударрислик қилган. Отаси олдин фарзандини ўзи ўқитди, кейин мадрасага берди. Носирхон тўра билимини чуқурлаштириш ниятида турли ўлкаларга сафар қилди. Бухоро, Қобул, Дехли, Бағдод, Хижозда таҳсил олди. Чуқур билим олиб Туркистонга қайтгач, Наманганда бош мударрис, қози бўлди, кўплаб илм толибларига тафсир, ҳадис, фикҳдан сабоқ берди.

Чоризм салтанати афдарилганидан кейин Носирхон тўранинг ижтимоий фаолияти бошланди. У 1917 йили Наманган шаҳар Думасига депутат этиб сайланди. Шу йилнинг 26–29 ноябрь кунлари Кўкон шаҳрида бўлиб ўтган Ўлка мусулмонларининг тўртинчи қурултойида қатнашиб, Туркистон мухторияти ҳукумати аъзоси, маориф нозири этиб тайинланди.

Бироқ Кўкон мухторияти уч ойгина яша-

ди: босқинчилар қонуний ҳукумат аъзоларини таъқиб ва мавҳ этиш билан қаноатланмай, Кўкон шаҳрига ҳужум уюштириб, ўн мингга яқин аҳолининг ёстиғини қуритди. Ҳукумат ва Маслаҳат шўроси аъзоларидан элликка яқин одам қамоққа олинди.

Носирхон тўра мустамлакачилар зулмидан қочиб, яширинишга мажбур бўлди. Бир йил ўтмасидан у яна очик ишлашга ўтди. Хужжатларда қайд этилишича, Носирхон тўра Косонсойда юртимиз мустақиллигига эришишни бош шиор қилиб олган “Миллий иттиҳод” ташкилотининг бўлимини бошқарар эди.

Бундай фаолият босқинчиларга албатта ёқмас эди. Шунинг учун советлар ҳокимияти халқ орасида обрўйи ошиб кетаётган йирик олим ва арбобдан қутулиш чораларини излай бошлади. 1925 йили Носирхон тўра “советларга қарши сиёсий фаолият олиб боргани учун” деган сохта айблар билан ҳибсга олинди ва мамлакатдан бадарга қилинди. У 1928 йилгача Ўринбург ўлкасида сургунда бўлди. Носирхон тўра бу ерда татар маърифатпарварлари билан учрашди, улардаги вақф ишлари, таълим тизими, маҳкамалар фаолияти билан яқиндан танишади. Ўзининг машҳур “Ўринбург мактублари” асарини шу ерда ёзади.

Сургундан қайтиб келгач, яна мударрислик фаолиятини давом эттирди. Кўплаб ёшларга Ислоҳ асослари ва тарихидан сабоқ берди. Унинг шогирдларидан йирик олимлар, миллатпарвар ва маърифатпарвар арбоблар етишиб чиқди. Булардан икки нафарини эслатиб ўтиш кифоя: Олтинхон тўра номи билан машҳур Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир Тарозий (1894–1992) йирик олим, адиб, таржимон эди. У 1932 йили советлар тузumi тазйиқи туфайли чет элга кетиб, Афғонистон, Ҳиндистонда, кейин эллик йил мобайнида Макка ва Мадина шаҳарларида яшади. Масжидул Ҳаром ва Масжидун Набавийда мударрис бўлди. Қуръони карим маъ-





ноларини илк бор ўзбек тилига таржима ва тафсир қилди, бир неча китоблар ёзди, кўплаб асарларни арабчадан ўзбек тилига ўгирди. Носирхон тўранинг яна бир шогирди Абу Наср Саййид Мубашшир Тарозий (1896–1977) ҳам таниқли уламо ва адиб бўлиб етишди. Таъқиб кучайгач, 1930 йили Ватанни тарк этиб, Афғонистон ва Мисрда яшади. Ислом фикҳи ва тарихига доир 47 та асари бор.

Носирхон тўра ухровий илмлар қатори дунёвий билимлардан ҳам яхши хабардор эди. Унинг Ислом асосларига доир рисо-лаларидан ташқари тарих, ақидага доир асарлар ҳам ёзгани маълум. Олимнинг йирик “Туркистон тарихи” асари ўлкамизнинг узоқ йиллик тарихини қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

Носирхон тўра сургундан қайтиб келиб ҳам Ватан озодлиги, миллатни советлар тузуми тазйиқидан халос этиш ҳаракатида бўлди. Бу йўлда ҳар бир имкониятдан фойдаланишга уринди. Ўлкада миллий-озодлик ҳаракатининг таниқли вакиллари билан учрашиб, уларни юртни озод қилиш учун курашга руҳлантириб турди.

Аммо ана шундай катта билим ва салоҳият эгаси бўлишига қарамай, Носирхон тўра ўша давр вазиятини тўғри баҳолай олмади. Хал қилувчи босқичда иккиланиб қолди.

Манбалар гувоҳлик беришича: миллий озодлик ҳаракати фаоллари Носирхон тўра ёнига бориб: “Бизга бош бўлинг, душманга қарши бирга курашайлик”, деб илтимос қилишган экан. Шунда у кўзини ердан узмаган ҳолда на “ҳа”, на “йўқ” деган. Бирок орадан вақт ўтгач, бу ишидан пушаймон еб, виждони қийналади. “Бу менинг хатойим эди”, деб иқрор бўлади (*“Тарихнинг ҳасратли саҳифалари” тўплами, Тошкент, “Шарқ”, 2006 йил, 122-бет*).

Ўтган аср 30-йилларига келиб, советларнинг миллий ўлкалардаги қатағон сиёсати иккинчи палласига кирди. Турли сохта айблар билан миллат фидойилари, арбоблар, мулк эгалари яна йўқ қилина бошлади. 1930 йили ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги вакили Белский, ўринбосари Карутский, ОГПУ кўшинлари қўмондони Бабкевичдан иборат “учлик” озодлигимиз йўлида толмас курашчи Носирхон тўра Камолхон тўра ўғлини яна қамоққа олишга қарор қилади.

Аҳмад МУҲАММАД

ISESCO (АЙСЕСКО) ТАШКИЛОТИ



«ISESCO» атамаси инглизча Islamic educational Scientific and cultural organization бирикмасининг бош ҳарфларидан ясалган, “Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти” маъносини билдиради. АЙСЕСКО Ислом Конференсияси Ташкилотининг 1979 йил май ойида ташкил этилган бир бўлиmidир. Қароргоҳи Марокашнинг Рабат шаҳрида. Абдулазиз Тувайжирий 1991 йилдан буён унинг Бош директоридир. Ислом Конференсияси Ташкилотига аъзо эллик етти мамлакатдан элликтаси АЙСЕСКОга ҳам аъзо.

Ташкилотнинг олий органи – Бош Конференсия ҳар уч йилда бир чақирилади. Ижро кенгаши эса аъзо мамлакатлардан танлаб олинган вакиллардан тузилади. Ижро кенгаши таклиф этган ва Бош Конференсия сайлаган Бош директор маъмурий тизимнинг асосий раҳбаридир. У Бош Конференсия ва Ижро кенгашига ҳисобот беради.

Ташкилотнинг таълим бўлими диний таълим, араб тили ва бошқа мусулмон мамлакатлари халқларининг тиллари, мусулмон ўлкаларда саводхонлик, шу йўналишдаги тадқиқотларни режалаш каби қатор соҳалар билан шуғулланади. Фан бўлимининг фаолият доирасига илм-фан, техника, янги технологиялар, экология ва табиий манбалар, ижтимоий фанлар, илмий тадқиқотларга қўмаклашув каби масалалар киради. Маданият бўлими эса Ислом маданияти, маънавий мерос, аъзо мамлакатлар тараққиёт босқичларини, ақлий мулк ва муаллифлик, аёллар ва болалар ҳуқуқи, ахборот ва алоқа масалаларини ўрганиш каби ишларга мутасаддилик қилади.

Сизга маълум, АЙСЕСКО ташкилоти 2007 йили Тошкент шаҳрини “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилган эди.

Дилафрўз САЛОҲИДДИН кизи
тайёрлади.

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

Ҳақ сўз айтсам, бўлмиш мен томон

Фарғонам

Эрур аксинг танамда жон,
Ўзингсан она, Фарғонам.
Ҳама юртлар эса маржон,
Асл дурдона Фарғонам.

Боғларинг бебаҳо мулкинг,
Тоғларинг — ғазнага кулфинг,
Сойларинг — қирқ тарам зулфинг,
Сулув жонона Фарғонам.

«Хувайдо» деб ғазал битган,
Буюк Бобурни зор қутган,
Ғариб Машрабга май тутган
Шоҳу девона Фарғонам.



Бало-офат кўриб кўп бор,
Табассумда лабинг такрор,
Азалдан шодлиги ошкор,
Ғами пинҳона Фарғонам.

Ўзинг бирла ўзинг жамсан,
Ўзинг дардсан ва малҳамсан,
Ажабдурки ўзинг шамсан,
Ўзинг парвона, Фарғонам.

Қтар сувлар, ўтар йиллар,
Кузатгай кўпни бу йўллар...
Замин узра абад гулла
Бўлиб «Фарғона», Фарғонам.

Метро сайли

Меҳмонларга тушунтирар Тўлан тиллатиш:
— Эндигиси «Пахтакор»дир,
Ўшлик акалар.
«Пахтакор» бу — «Ўзбекистон йўли»га ўтиш,
«Ўзбекистон йўли» эса...
«Навоий»дан тарқалар.



Ёшларга илтижо

Эрк каштаси иборат минг тугундан,
Тоғ яралмиш сабр деган кукундан,
Сабр жабри яшар азал «бугун»да,
Юрт эркини асранг, Эрта сизники.

Ўтмиш бизга сочар ҳали кўп «рашк»ин,
Бу сарқитни ювиб ўтар, вақт — тошқин,
Тошқиндан ҳам бўлманг энди сиз шошқин,
Юрт эркини асранг, Эрта сизники.

Биров тилда поку, наслан кир ўзи,
Қад кўтарсак, куяр унинг ғар кўзи,
Кўрлар бор — эл талар, ичиб эл тузин,
Юрт эркини асранг, Эрта сизники.

Худо қалба яшар, шайтон — ўпкада,
Ўпка-гина торлик сочар сафга-да,
Балки тангрим синови шу жабҳада,
Юрт эркини асранг, Эрта сизники.

Мен ёмонми, у ёмонми, давр ўтар,
Эрта-индин Мен кетарман, у кетар,
Бари сизга қолгай, сизга гал етар,
Юрт эркини асранг, Эрта сизники.



Тунги Тошкент

Ойдин тунда ўшар Тошкент ойпошшога,
Келар олам юлдузлари томошшога.
Зар сочганда сувга Ўрда чироқлари,
Жилоларга тўлар анҳор қирғоқлари.

Отабекнинг излари бор Эрам боғда,
Шивирлайди армонлари ҳар япроқда.
Еллар ҳазин куйлар ўтмиш афсонасин —
Тош қалъанинг ўн икки хил дарвозасин.

Йиллар ўтар, бу онлар ҳам тарих бўлгай,
Зебо тунлар такрор-такрор таъриф бўлгай.
Фаришталар ёғдириб бор илҳомларин,
Безантиргай балки Тошкент оқшомларин.

Ойдин тунда ўшар Тошкент ойпошшога...

**Ғазал шаклидаги шеърлар**

Муддаолар ичра олий муддаодир яхшилик,
Энг гўзалдир, энг шириндир, бебаҳодир яхшилик.

Яхши инсонлар туфайли балки бу олам омон,
Насли инсондир агар, унга раводир яхшилик.

Яхши аъмолдин насиба бор ўлур яшнаб гиёҳ,
Танга гўё тоза сув, тоза ҳаводир яхшилик.

Ҳар ёмонлик кони кулфат, ҳар ёмонлик минг хато,
Қанча қилма беэиёну беҳатодир яхшилик.

Гар ёмонликда намоён бўлса шайтон сурати,
Пок илоҳий неъмату рамзи Худодир яхшилик.

Яхшиликдан тамаю миннат йироқдир, бўлса чин,
Таъна бирла келса аммо норасодир яхшилик.

Яхшилик қил, шоиро, гар у ёмонлик қилса ҳам,
Ки ёмонлик қилган одамга жазодир яхшилик.



* * *

Бир Ваган курсак аҳил жаннат қолар биздан кейин,
Ноиноқ бўлсак агар иллат қолар биздан кейин.

Энг улуғ мақсад ила қудрат бўлсак энг йирик,
Ақлимизга ҳаммада ҳайрат қолар биздан кейин.

Меҳнату илму ҳунар кашфу камолот асли бахт,
Шунга ғайрат айласак ибрат қолар биздан кейин.

Олам аҳлин барчасин иззат этолсак — неки ирқ,
Ўзгада бу ўлкага ҳурмат қолар биздан кейин.

Асрабон тинчликда юртни айласак бу элни бой,
Хамсаю дoston, мақом — санъат қолар биздан кейин.

* * *

Нодонларга арзим йўқ менинг,
Сўздан маъно термайди улар.
Номардлардан қарзим йўқ менинг,
Сўрасанг ҳам бермайди улар.

Она юртим, сенга арзим бор,
Ҳақ сўз айтсам, бўлгил мен томон.
Онажоним, сендан қарзим бор,
У — вужудим, танамдаги жон.

* * *

Тун қўйнида бугдойзор гўё —
Асов денгиз,
Тинсиз чайқалар.
Қўқда ғуж-ғуж юлдузларми, ё —
Қўлда сузар тўп-тўп чағалай?

Тун қўйнида бугдойзор уйғоқ,
Уфқда ёғду сочган ой, дема.
У — ё дехқон йўқотган ўроқ,
Ё денгизда
Адашган кема.

“ТОШКЕНТ МАСЖИДЛАРИ ТАРИХИ”

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Уктамбек Султоновнинг “Тошкент масжидлари тарихи” китоби нашрдан чиқди (“Янги аср авлоди”, 2010). Олимнинг Тошкент масжидлари тарихидан илк мақолалари “Ҳидоят” журнаlining 2008 йил 7-, 10-сонларида эълон қилинган эди. Янги китобда Тошкентдаги «Фулудбой», «Хотин масжид», «Баланд-масжид», «Юсуфхон Эшон», «Эски Ўрда», «Тўрахўжа қози» «Тиллашайх» каби икки юздан ортиқ масжид тарихи ижтимоий-иқтисодий, маданий жараёнга боғлиқ ҳолда ўрганилган. Муаллифнинг ёзма манбалар ва архив ҳужжатлари асосида изланиш олиб боргани ибратлидир.

Китобга Тошкент шаҳри маҳаллаларида 1868 ва 1884 йили рўйхатга олинган масжидлар қайдномалари, шунинддек, масжидларга тегишли турли ҳужжатлардан намуналар илова қилинган.

Ушбу китоб мамлакатимиз масжидлари тарихини махсус ўрганиш йўлидаги илк салмоқли тадқиқотдир. Журнал ўқувчиларига шу асардан бир парча илдиндик.

Файзуллохон ОТАХОНОВ,
тадқиқотчи

«АЗИЗЛАРХОН ЭШОН» МАСЖИДИ

Бу масжид ҳозирги Шайхонтохур тумани Чинор берк-кўчасида. Тадқиқотчилар курилиш услубига асосланиб, уни XVIII аср ўрталарида барпо этилган десалар-да, масжид тарихига доир аниқ маълумотлар йўқ. Масжиднинг бундай номланиши қизиқарли ва

жумбоқли ўтмиши билан боғлиқ.

Тошкент масжидларига оид тарихий ҳужжатларни ўрганиш жараёнида «Азизлархон эшон» масжидининг бир вақф ҳужжати топди. Вақфнома ва бошқа баъзи ҳужжатлар айрим масалаларга ойдинлик киритади.

Ушбу вақфнома ҳижрий 1223 (милодий 1808–1809) йили битилган. Унда Мирқурбоншайх азизон исмли шахс ўзининг Арпа-поя ва Ялангқари маҳаллаларидаги кичик ерларини масжид фойдасига вақф қилгани айтилади.¹

Масжидни қурдирган Мирқурбоншайх азизон номи бир-икки манбада, жумладан, Мирқурбоншайх азизон авлодларидан Зайниддинхон эшоннинг 1284 йили (1867) ишланган муҳрида тилга олинади. Муҳрда унинг насаби бундай кўрсатилган: «Зайниддинхўжа ибн Ҳодихўжа ибн Муҳаммадхўжа ибн Мирқурбоншайх азизон». Муҳаммад Солиххўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида бу исм «Қурбоншайх азизлар» шаклида, бир жойда «Бешёочий» тахаллуси қўшилган ҳолда ҳам келтирилган. Биринчи бор муаллиф Мирқурбоншайх азизонни 1803 йили Тошкентда юз берган воқеалар сабаб тилга олган. Яъни, Мирқурбоншайх азизон Тошкентнинг мустақил ҳокими Юнусхўжа вафотидан сўнг ҳокимиятни эгаллаган ўғли Муҳаммадхўжа билан укаси ўртасидаги сулҳда воситачилик қилган.



Асар давомида Мирқурбоншайх азизон шаҳарнинг таниқли кишиларидан бири сифатида қайд этилиб, Яланқари маҳалласида масжид курдиргани ҳам айтилади. Ҳатто унинг Жиззахга савдо сафари ҳақида баён этилган².

Манбаларда ёзилишича, Юсуфхон эшон Қўқон хони Олимхон (1798–1810) замонидан Муҳаммад Алихон (1822–1841) давригача ҳаёт бўлган. Демак, Мирқурбоншайх азизон ҳам XVIII асрнинг иккинчи ярми, XIX аср биринчи ярмида яшаб ўтган. Шунга кўра, масжид қурилиши ҳам XVIII аср охирига, XIX аср бошига тўғри келади.

Масжиднинг номлаши бевосита Мирқурбоншайх азизоннинг кейинги даврда яшаган авлодлари – Ҳодихон ва Зайниддинхон эшон фаолияти билан боғлиқ. Чунки иккови ҳам халқ тилида «Азизлархон» номи билан машҳур эди. Шу боис ҳозиргача аҳоли орасида «Азизлархон эшон» дейилганида, Ҳодихон ёки Зайниддинхон тушунилиши ҳақида бир фикр йўқ.

«Азизлархон эшон» масжиди ҳам 1920 йили ёпилади, кейинчалик биносига турли муассасалар жойлашади, бир неча бор ёнғиндан зарар кўради. Шу боис ҳозир масжид биноси таъмирталаб.

¹ЎЗР МДА. 1-жамғарма, 17-рўйхат, 32663-ийғмажилд.

²Муҳаммад Солиххўжа. «Тарихи жадидаи Тошканд». 282а varaқ.

РЕЖА ТУЗИЛДИ, НАВБАТ – ИШГА

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Тошкент шаҳри ва вилояти вакилликлари, туман, шаҳар бош имом-хатиблари ёрдамчиларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда диний-маърифий ишларнинг йиллик режаси тузилди. Мажлисда сўз олганлар шаҳар, туман ҳокимликлари, хотин-қизлар кўмиталари, имом-хатиблар ва "Маҳалла" жамғармаси фаоллари билан ҳамкорликда самарали ишлаш зарурлигини алоҳида таъкидлашди.



Фотима ҲАҚБЕРДИЕВА

КУЧЛИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Тошкент Ислон университети ва Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислон институти талабалари ўртасида Ватан химоячилари кунига бағишланган спорт мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақа яқунларига кўра, Тошкент Ислон университети талабалари ғолиб бўлди. Ғолибларга эсдалик совғалари улашилди.



Шавкат АЛИБОЕВ

ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШЛАНДИ



17 январ куни Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани бош имом-хатиби Абдухалил Абдуназоров "Эшон Файзуллахон" жомеъ масжидида "Кармаки" маҳалла оқсоқоллари ва фуқаролари билан ободонлаштириш ва кўчатлар экиш, ариқларни тозалаш масаласида давра суҳбати ўтказди. Шу кун масжид ҳовлисига 80 тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

МАШҒУЛОТЛАР ЯҚУНЛАНДИ



22 январ кун Имом Бухорий халқаро марказида билим ва кўникмаларини оширган имом-хатиблардан 12-босқич тингловчилари ўқув машғулотларини яқунлашди. Улар марказда муҳим назарий билимларни, ибратли тажрибаларни ўрганиб, иш жойларига қайтишди.

Мирзатилло АЛИХОНОВ

САМАРҚАНДЛИК БУЮК ОЛИМА

Мовароуннахр фикҳ мактаби ривожда буюк ҳанафий имомлардан бири, ақоид, тафсир, усул, фуруъ, калом илмлари билимдони Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий ва унинг қизи Фотима бинти Муҳаммад алоҳида ўрин тутишади.

Манбаларда қайд этилишича, Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий (вафоти милодий 1145 йил) фикҳ илмини Абул Муъин Маймун Макхулий ва садрулислом Абул Юср Паздавийдан ўрганган. Унинг “Тухфатул фуқаҳо” асарига мўтабар манба сифатида кўп шарҳлар ёзилган. Алоуддин Самарқандий калом илмида Имом Абу Мансур Мотуридидий издошидир.

Алоуддин Самарқандий ва Фотима бинти Муҳаммад ҳақидаги илк маълумотлар асосан Самарқандийнинг шогирдлари Алоуддин Абу Бакр Косонийнинг “Бадоеъи” асари муқаддимасида ва Абдулкарим Самъонийнинг “Китобул ансоб” асарида учрайди. Баъзи табақот китобларида ҳам айрим қисқа қайдлар бор.

Ёшлик чоқлариданоқ отасидан қироат, араб тили, сарф ва наҳв, фикҳдан дарс ола бошлаган Фотима бинти Муҳаммад Самарқандий айниқса фикҳ илмини чуқур ўрганиб, буюк фақиҳа даражасига етишади. «Бу аёл илмда юксак маҳоратга эришди», дейилади манбаларда. У отасининг машҳур «Тухфатул фуқаҳо» асарини ёд билган.

Олима ҳақида Ибн Адим бундай дейди: «Отам у аёл ҳанафий мазҳабини ниҳоятда яхши билгани, умр йўлдоши Алоуддин Косоний фатвосидаги камчиликини кўрсатиб бергани, Косоний ҳам унинг раъйини қабул этгани ҳақида ҳикоя қиларди». Фотима фатво бериш ваколатига эга бўлиб, ушбу соҳада отаси билан ҳамкорлик қилиб келган. “Табақот”да ёзилишича, “Фатво биринчи унинг ижозати билан чиқар, кейин отасининг хати билан тасдиқланар эди”.

Фотима бинти Муҳаммаднинг умр йўлдоши қорахонийлар даври улуғ фақиҳларидан Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Косонийдир. Алоуддин Муҳаммад Самарқандийнинг шогирди ва куёви имом Абу Бакр Косоний устозининг уч жузлик “Тухфатул фуқаҳо” (Фақиҳлар тухфаси) китобига “Бадоеъус саноеъ фи тартибиш шароийъ” номли ўн жуздан иборат шарҳ ёзган. Олимлар айтишича, унинг шарҳи устозига ниҳоятда манзур бўлиб, ўзининг суюкли қизи Фотимани унга никоҳлаб беради. Ўшанда халқ орасида “Шогирд Алоуддин устоз Алоуддиннинг китобини шарҳлаб, қизини олди”, деган гап ёйилган экан. Абу Бакр Косонийнинг ушбу машҳур асари 1327-1328 йиллари Қоҳирада етти жилд ҳолида чоп этилган.



Ибн Адим яна бундай дейди: «Косоний умр йўлдошини жуда ҳурмат қиларди. Олдин устози (Алоуддин Самарқандий) ва унинг қизи Фотима бинти Муҳаммад имзолаган фатволар чиқар эди. Оила қургач, фатволарга ҳар учовининг имзо ва муҳрлари босиладиган бўлди».

Айрим манбаларда айтилишича, Фотима эри Абу Бакр Косоний билан баъзи сабабларга кўра бир муддат Ҳалаб (Сурия) диёрида истиқомат қилган. Шу юрт ҳукмдори илтимосига кўра эр-хотин умрлари охиригача ўша ерда қолиб, ҳанафий фикҳини ёйиш билан шуғулланишади.

Манбаларда келтирилишича, Фотима эридан олдин вафот этади (йили маълум эмас) ва Ҳалабдаги “Мақоми Иброҳим Халил” қабристонига қўйилади.

Хулоса қилиб айтсак, қадим юртдошимиз Фотима бинти Муҳаммад фикҳ илми соҳасидаги юксак салоҳияти туфайли Ислом оламида ёрқин из қолдирди. У кишининг илмий иқтидори, «буюк фақиҳа» даражасига етиши Мовароуннахрда илм-фаннинг қандай юксак бўлгани ҳақида ёрқин тасаввур беради.

Нигора Жалолиддин қизи ЮСУПОВА,

Тошкент Ислом университети магистратура бўлими бошлиғи, юридик фанлари номзоди

Манбалар

1. Аҳмад Халил Жумъа. “Нисоеъ муббашшара бил-жанна”. Макка, “Дор тоййибат ал-хударо”, 2001.
2. Кураший Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абул-вафо. “Табақотул ҳанафийа”, Хайдаробод, 1913. II ж.
3. Ўша асар. I ж. Мир Муҳаммад кутубхонаси. Қарочи.
4. Лакнавий Муҳаммад Абдулхай ал-Ҳиндий. “Ал-фавоид ал-бахийа фи тарожим ал-ҳанафийа”. Қоҳира, 1906.
5. Тошкўприлизода Аҳмад ибн Мустафо. “Мифтах ас-саъода ва мисбах ас-сийода”. II ж. Хайдаробод, 1905.
6. Котиб Чалабий. “Кашфуз-зунун ан асмаи ал-кутуб ва ал-фунун”. Истанбул, «Ал-олам», I-жилд.
7. Турғун Файзиев. “Темурий маликалар”. Т. «Адабиёт ва санъат», 2000.





ОТА ИБРАТИ

Раҳматли отам одоб-ахлоқда бизга ўрнак эдилар. У киши айтган эртагу ибратли ҳикоялардан мурғак қалбимиз ёришарди. Доимо яхшилик қилишга, ҳалол меҳнат билан ризқ топишга, қўни-қўшниларга чиройли муомалада бўлишга ундардилар. Отамнинг тўғри тарбия бериши бизнинг яхши инсонлар бўлиб улғайишимизда асос бўлди.

Неъматилло МАДАМИНОВ,
Шаҳрихон тумани

АЁЛЛАР ТЕЖАМКОР БЎЛИШСА...

Кексаларимиз: "Топганингиз тўйларга буюрсин", деб дуо қилишади. Ҳар бир ота-она топганини яхши ниятлар билан йиғади. Оқила, тежамкор аёл исрофга йўл қўймай, эрининг меҳнатини қадрлаб, олдиндан зарур нарсалар тадоригини қилади. Бироқ баъзи аёллар тўй деб ҳою ҳавасга берилади. Бу билан улар оилаларини қийин аҳволга солиб қўйишади. Халқимизда: "Эрни эр қиладиган ҳам, ер қиладиган ҳам хотин", деган нақл бор. Қанийди, барча аёлларимиз тежамкор бўлишса...

Саидали,
Кўқон

БУРЯТИЯДА ИСЛОМ

Бурятистон, Бойкўлбўйи ҳақидаги маълумотлар, эҳтимол, телерадио хабарларида қулоғингизга чалингандир. Бу ажойиб ўлка ҳақида юз йиллар олдин рус ёзувчиси Антон Чехов: "Барча қидирган нарсаларимни шу ерда учратдим", деб ҳаяжон билан ёзган эди. Ҳақиқатан, Бурятистон ҳамма жиҳатдан гўзал: тоғ ва ўрмонлар ёнида бирдан чўл пайдо бўлади. Ўлканинг гавҳари Бойкўл устида мовий осмон ва мусаффо ҳаво... Ана шу табиат гўзалликларини кўрганингизда Буюк Яратувчи қудратига тан бермай иложингиз йўқ.

Бу мафтункор ўлкага Ислom динини тоторлар олиб келишган. Тоторлар бу ерда сон жиҳатидан руслар, бурятлар ва украинлардан кейин тўртинчи ўринда туришади. Бурятистон аҳоли таркиби ола-қуроқ: бу ерда бошқирд, ўзбек, қозоқ, озарбайжон, қирғиз, чуваш, армани, белорус, карис, хитой, немис ва бошқа халқлар вакиллари талайгина. Аҳолининг диний таркиби ҳам хилма-хил.



Тоторлар Шарқий Сибир ва Узоқ Шарққа минтақанинг Марказий Русия билан савдо-иқтисодий муносабатлари шаклланаётган даврда келишган. 1889 йили Юқори Удада (ҳозирги Бурятистон пойтахти Ўлан Уда) тоторлар атиги саксон беш киши эди. Кўп ўтмай Юқори Удада биринчи мусулмон жамоаси пайдо бўлди, ўшанда уларни "магометанлар" (муҳаммадийлар) деб аташарди. 1907 йили ёғочдан биринчи масжид қурилади. Маълумотларга кўра, совет ҳукумати келгунига қадар Бурятистон ҳудудида бешта масжид ишлаб турган. Афсус, улар бугун сақланиб қолмаган.

Ҳозир Бурятистонда мусулмонлар сони ўн беш мингдан ошди. Улар турли халқлар вакиллари дидир. Жума куни Ўлан Удада жамоат тўпланади. Имом мазмунли хутба қилади. Кўпинча улар Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) ҳаётидан ибратли ривоятларни сўзлаб беришади. Афсус, Бурятистонда Ислom асосларини чуқур ўргатадиган бир мадраса етишмайди. Шаҳарда катта жоме қурилиши бошланганига анча бўлди, иншааллох, тез кунларда очилиши кутиляпти.

Руслан ЗЕРОНИН



2010 йил 28 декабр куни матбуотда эълон қилинган “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабристонларга доир масалалар ечими топишда муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

ЎТГАНЛАРГА ҲУРМАТ

Ушбу қонун дафн этиш ва дафн иши соҳа-сидаги муносабатларни тартибга солади. Унинг асосий вазифалари марҳумга муносиб ҳурматда бўлиш, уни дафн этиш кафолатлари, дафн этиш жойларини танлаш ва сақлашда экологик, санитария, шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидалари бажарилишини таъминлаш, шунингдек, дафн ишини ташкил этиш асосларини белгилашдан иборатдир.

Қонуннинг 14-моддаси талабига кўра, дафн этиш жойлари ўралган бўлиши, қўриқланиши, сув, электр, зарур бинолар ва ашё-анжомлар, шунингдек, кириб бориладиган йўл билан таъминланиши лозим.

Дафн этиш жойларида мол ва бошқа уй жониворларини боқиш, мевали кўчатлар экиш, қишлоқ ҳужалиги экинларини ўстириш тақиқланади.

Қонунда дафн этиш жойлари туман, шаҳар ҳокимияти органларининг бевосита тасарруфида бўлиши аниқ белгиланди. Бу, табиийки, қабристонларни сақ-



лаш ва ободонлаштириш ишларига масъулиятсизлик ҳолатларига барҳам беради. Қонуннинг 4-моддасида бундай дейилади: “...Дафн этиш жойлари бузиб ташланиши мумкин эмас ва доимий

равишда сув остида қолиш, кўчкилар ҳамда бошқа табиий офатлар таҳдид этган тақдирда белгиланган тартибда фақат туман, шаҳар давлат ҳокимияти органларининг қарорига биноан кўчирилиши мумкин.

Илгари дафн этиш жойлари жойлашган ҳудудлардан фойдаланишга улар кўчирилган пайтдан эътиборан йигирма йил ўтгач рухсат берилади. Бундай ҳолда ушбу ҳудудлардан фақат манзарали дов-дарахт кўчатлари ўтказиш учун фойдаланиши мумкин. Бу ҳудудларда бинолар ва иншоотлар қуриш тақиқланади” (қисқартириб олинди).

Шунингдек, ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар бир марҳумни унинг хоҳиш-иродаси инobatга олинган ҳолда дафн этиш учун жойни текин бериш кафолатланади. Бундан ташқари, Қонунда дафн этиш учун нафақа ҳамда моддий ва бошқа ёрдам кўрсатиш масалалари ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг 4-бобида дафн ишини ташкил этиш ҳамда дафн ишини молиялаштириш манбаларига доир меъёрлар мустақамланиб қўйилган.

Бу қонун мамлакатимиздаги қабристонлар, дафн этиш жойларини сақлаш, халқимизнинг марҳумлар ёди ва хотирасига алоҳида ҳурмат кўрсатишдек миллий, диний анъаналарига риоя қилишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Икром МАРДОНОВ,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳуқуқшуноси

Ҳар инсон хатокор...

Инсон нафси гуноҳ қилишга табиатан мойил. Барча гуноҳу исёнлар асоси шаҳватларга берилиш ва моддапарастликдир. Яъни, шу икки нарса бизни хатоларга, гуноҳларга бошлайди. Яхшироқ ўйлаб кўрсак, бу фикрга далиллар ўтмишда жуда кўп.

Отамиз Одам (алайҳиссалом) бир хато сабаб жаннатдан ерга туширилди. Хато ва гуноҳларимиз боис бизнинг ҳам ишларимиз орқага кетади, бошимизга қулфат-

мусибат тушади ёки рўзгоримиздан барака кетиб, қалбимиздан халоват олиб қўйилади.

Нима қилиш керак? «Одам боласи хатокор-да», деб яна хатолар, гуноҳларда давом этаверамизми? Йўқ, албатта!

Отamız Одам (алайҳиссалом) Парвардигорга тавба-тазарру қилди. Карам кенг Зот тавбаларини қабул этди. Бир хато сабаб жаннатдан чиқарилган бўлсалар, чин тавбалари туфайли яна асл

масканлари — жаннатга қайтиш ваъдасини олдилар.

Хатолар, гуноҳлар асоси нима эканини билдик, улардан эҳтиёт бўлайлик. Гуноҳлардан халос бўлиш йўли ҳам аниқ, улардан қутилишга шояйлик. Ҳар бир инсон боласи хатокор эса-да, хатокорларнинг энг яхшилари чин тавба-тазарру қилувчилар ва умрларини яхшилик, эзгуликка бағишловчилар эканини унутмайлик.

Мубашшир АҲМАД,
Тошкент Ислom институти
мударриси





МОМОЛАРИМИЗ АЙТАДИ...

Халқимизнинг панду ўғитлари хазинаси битмас-туганмасдир. Кўпни кўрган, умр синовларида товланиб, ҳаётнинг пасту баландидан ўтиб доно бўлган бобою момларимиз сўзлари нақлга айланган. Биз уларни «халқ мақоллари» деймиз. Бу насиҳатларни тинглаб, маъзини чақсак ҳамда турмушимизда қўлласак, бизнинг ҳам фарзандларимизга қолдирадиган хазинамиз бўлади. Шу маънода эл оралаб йиққаннимиз – ҳикматларни бу йил сонма-сон эътиборингизга ҳавола этиб бориш ниятидамиз.

Қариндошнинг қозони бошқа, қайғуси бир.

Қора-кура кўрмаган қовунчининг қизлари, Қаттиқ-қуттиқ емаган подачининг қизлари.

“Берди”сини айтгунча белимни букма.

Нари борсам ҳўкиз ўлар, бери келсам арава синар.

Нонни катта тишласанг ҳам, гапни катта гапирма.

Тойлигида туёғи синган узоққа чополмас.

Гулнинг тўни қирқ ямоқ бўлса ҳам, ҳиди хушбўй.

Қайтиб очар қопқангни қаттиқ ёпма.

Ўғлинг гап уқмаса, келинингга уқтир.

Айрон сўраб келган идишини яширмас.

(Шаҳрисабз тумани Каттанокчи қишлоғи кайвониси Ойдин момодан ёзиб олинди.)

Атрофимизда тили халқона ибораларга бой инсонлар кўп. Ҳар қишлоғу маҳалланинг сўзамол одамлари бўлади. Азиз журналхон, доно халқимиз тилида юриб турган ана шундай пурмаъно ўғитлардан тўплаб, бизга юборсангиз, бошқалар ҳам баҳраманд бўлар эди. Кимдан ёзиб олганингизни аниқ кўрсатишни унутманг.

ЯХШИ ДЎСТ

Мен раҳбарлик қилаётган синфда бир бола бор. Тўполончи, дарсларни яхши ўзлаштирмайди. Бир куни ана шу ўқувчининг уйига бордим. Ота-онасига ўғлининг юриш-туришидан шикоят қилдим. Гап орасида сизлар болага яхши тарбия бермаяпсизлар, дедим. Шунда улар мендан хафа бўлишди. “Бизнинг топганимиз болаларимиз учун, улар бировдан кам бўлмасин деймиз, киймай кийдирамиз, емай едирамиз”, дейишди. Тўғриси, бу сўзларни эшитиб, нима дейишни билмай қолдим. Уларга бола катта қилиш фақат қорнини тўйдириб, устига кийдиришдан иборат эмаслигини тушунтиролмадим.

Кичкиналимизда ота-онам менга кўп китоб совға қилишган. Бу совғалар ҳаётни англашимда жуда асқотди. Ана шундай китобларимдан уч-тўрттасини ҳалиги ўқувчига бердим. Бола китобларни иккиланиб кўлимдан олди. У барибир ўқимайди, деб ўйладим. Уч-тўрт кун ўтганидан кейин бола менга китобларни қайтарди. Китобларни ўқиганига шубҳам бор эди. Шу ҳақда сўз бошламоқчи эдим, ўзи мендан яна шунга ўхшаш китобларни сўради. Демак, унга ҳали биров китоб совға қилмаган.

Жуссаси кичикроқ бир ўқувчим кураш тўғарагига қатнашади. Бир куни болалар унинг мусобақага қатнашаётганини мазах аралаш эълон қилишди. У мулзам бўлиб турарди. Ўқувчимга яқинроқ келиб, қулоғи



га: “Сен албатта ғолиб бўласан”, дедим ва елкасига кўлимни қўйдим. Эртасига ҳалиги ўқувчим мусобақада биринчи ўринни олганини эшитдим. Бола озгина эътибордан ҳам руҳланади.

Қобилиятсиз боласидан нолийдиган айрим ота-оналар бир ўйлаб кўришса яхши. Қачон

унинг ёнига ўтириб, унга эртақлар айтган? Ҳеч бўлмаса, бирор марта китоб совға қилдими? Қачон унга яхши ва ёмон ҳақида гапириб берди? Тўғри, оч қолса, оғзига нон тутди, юпун қолганида кийинтирди. Лекин ота-онанинг бурчи буларгина эмас ахир. Яхши парваришланмаган ниҳолнинг меваси аччиқ бўлиши тайин.

Ҳадисда, ҳеч қайси ота-она фарзандига чиройли хулқ ва одоб-ахлоқдан ортиқ (аълороқ) мерос қолдиrolмайди, дейилади. Фарзандга эътибор, тўғри тарбия қанча-қанча яхшиликларнинг бошидир. Яхши фарзанд кун келиб кўзимизга нур, белимизга қувват бўлади. Боланинг қўлига кўпроқ китоб беринг. Китоб доим уни назорат қилади. Яхшиси, ҳозирроқ дўконга бориб, фарзандингизга китоб сотиб олинг. Болаларга энг яхши совға китобдир.

Лола НИЁЗОВА,

Жондор туманидаги 45-мактаб ўқитувчиси



ҚАЛАМДАН ЯРАЛГАН ГЎЗАЛЛИК

Ота-боболаримиз ҳуснихатга алоҳида эътибор беришган. Хаттотлик санъатининг пайдо бўлиши ҳам уларнинг чиройли ёзишга интилиши натижасидир. Яхши ёзилган хат киши кўнглини кўтараркан. Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” китобида айтилишича, чиройли ёзув ўқувчининг кўзини равшан қилади. Улуғ аждодларимизнинг нодир китоблари мана шу ноёб санъат тури орқали авлодларга қолади. Юртимизда Бухоро, Хоразм, Фарғона, Қўқон, Самарқанд, Тошкент хаттотлик мактаблари шаклланган. Хаттотларнинг вазифаси мактуб битиш ёки нусха кўчиришдангина иборат бўлмай, улардан жумлаларнинг таъсирли чиқиши, сўзларнинг ўз ўрнида ишлатилишига ҳам алоҳида эътибор бериш талаб қилинган.

Машҳур хаттотларнинг ишини бугунги кунда давом эттираётган фидойи инсонлардан бири Ислом Муҳаммадир.

— Бу касбга болаликдан меҳр қўйганман, — деб сўз бошлади хаттот. — Раҳматли бобом ҳам хаттот бўлганлар. Қўлимга илк бор қалам тутган киши тоғам, устозим Хабибулло Солихдир. Кичкиналимда бўш қолдим дегунча ёнларига чопардим. Оддий қамиш билан ҳарфларни худди гулга ўхшатиб чизишлари кўнглимга бошқача таъсир қиларди. Устознинг “Хаттот араб тилини яхши билиши шарт”, деган маслаҳати билан 1989 йили ўша пайтда Ўрта Осиёда ягона бўлган Мир Араб мадрасасига ўқишга кирдим. Уни битириб, Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтида таҳсил олдим. Ўқиш давомида касбим сирларини яна ҳам чуқурроқ ўргандим.

Хаттотликда ўн хил хат услуби бор: насх, куфий, муҳаққақ, настаълиқ, сулс, тавқеъ, таълиқ, девоний, риқоъ, риқъи. Бу қаторда аждодларимизнинг буюк кашфиёти насхни алоҳида эътироф этиш керак. Насх услуби Куръони каримни кўчиришда кўп қўлланган. Мен ҳам асосан насх хатидан фойдаланаман.

Хаттотлик хунар ёки санъатгина эмас, балки барча аниқ фанларни ўзида жамлаган илмдир. Масалан, бино пештоқига ёзилаётган ҳикматли

сўз мўлжалланган жойга сиғсин, ортиб ҳам, етмай ҳам қолмасин. Бунинг учун хаттот геометрик ўлчовлардан ҳам яхши хабардор бўлиши керак. Кўпинча хаттот ганчкор, ёғоч ўймаkori, чилангар ва бошқа усталар билан бирга иш-

лайди. Демак, у кўп касбни билиши шарт.

Бино пештоқларига Куръони карим оятлари, ҳадис ёки ҳикматлар қандай кўчирилиши кўпчиликни қизиқтириши аниқ. Бунинг учун аввал қоғозда машқ қилинади. Қачон тобиға етиб, кўнги тўлса, кейин белгиланган жойга кўчираемиз. Баъзан машқлар ойлаб давом этади. Кўчирилаётган жумлалар маъносини чуқур ўрганаемиз.

1997 йили Истанбулда халқаро кўрик-танловда қатнашиб, дунёдаги энг кучли хаттотлар гуруҳига аъзо бўлдим. Икки йилдан кейин Лохурда ўтган бутун дунё хаттотлари мусобақасига бордик. Устозим “Нақш алифбо” иши учун “Шарқ юлдузи” унвонини олди. Бу мукофот ҳар асрда хаттотлик санъатида янгилик қилган кишига берилиши ҳисобга олинса, айнан бизга насиб этгани қатта фахр эди.

2000 йили Малайзиянинг Куала Лумпур шаҳрида юртдош ганчкор усталар билан бирга таъмирлаш ишларида қатнашдим. Сиангор штати султони саройи ҳамда “Шоҳ алам”, “Путражая”, Пинанг оролининг Жорж Таун шаҳарчасидаги қадимий масжидлар пештоқига Куръони карим оятларини кўчирдим. Марказий Осиёдаги деярли барча тарихий бинолар таъмирида иштирок этдим. Хусусан, Ўзбекистонда элликдан ортиқ биноларнинг қайта тикланишида ҳиссам бор. Айниқса, қисқа вақт ичида қуриб битказилган “Ҳазрати Имом” мажмуасига менинг ҳам меҳнатим кўшилганидан мамнунман.

Ҳозир “Кўкалдош” мадрасасида хаттот-мударрисман. Шогирдларим бўлса-да, ҳали ўзимни устоз деб билмайман. Чунки касбимнинг ўрганишим керак бўлган томонлари кўп. Устоз олдида янги шогирддек ҳаяжонланаман. Худога шукр, шогирдлардан Абдуғафур Ҳақбердиев, Баҳодир Солиев, ўғлим изимдан боряишпти. Ишингни давом эттирувчи авлод қолаётгани кўнгилини кўтараркан.

Бугун компютер ва бошқа техникалар туфайли кўп қулайликларга эга бўлди. Аммо камдан-кам ёшлар хаттотликка қизиқишади. Юртимизда хаттотлар санокли. Сафарлар чоғи бошқа юртлардаги хаттотлик санъати ривожини, айниқса, ёшларни бу соҳага йўналтириш тажрибаларига ҳавасим келган. Мадрасада очилган хаттотлик тўғараги шу орзуларим ушалишига бир асос бўлишини истар эдим.

Муҳаммад СИДДИК
суҳбатлашди.

